Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 19 декабрь 1971 йил, якшанба ◆ № 293 (15.163). ◆ Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Меҳнат қонунлари кодекси тасдиқлансин ва у 1972 йил 1 майдан амалга киритилсин.

2-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат қонунлари кодексини амалга киритиш тартибини белгилаш ва Ўзбекистон ССР қонунларини Ўзбекистон ССР меҳнат қонунлари кодексига мувофиқлаштириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА

17 декабрь, 1971 йил Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси эксплуатация ва зулм тузумини емириб ташлади. Меҳнаткашлар эксплуататорларга асрлар бўйи қул бўлиб меҳнат қилиб келганларидан кейин биринчи марта ўзлари учун, ўз жамиятлари учун ишлаш имкониятини олдилар. Составига бошқа иттифоқдош республикалар билан бир қаторда ихтиёрий бирлашув ва тенг ҳуқуқлилик асосида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳам кирган Совет Иттифоқида социализм ғалаба қилиши билан кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши батамом ва абадий тугатилди. СССРда социалистик мулк меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг асоси бўлиб, у меҳнат аҳлининг яхшироқ ҳаёт кечиришини кўзлайдиган эркин меҳнат даврини очиб берди. Меҳнатнинг эксплуатациядан озод қилинганлиги шахснинг чинакам эркинлигининг асосий шартидирки, бу эркинликни социалистик тузум гарантиялаб берди.

Эксплуататорлар ва эксплуатация қилинувчилар бўлмаган социалистик жамиятда жамиятнинг меҳнатга лаёқатли барча аъзолари учун меҳнат қилишнинг умумийлиги амалга оширилади ҳамда барча гражданлар учун меҳнат қилиш имконияти таъминланади. СССРда социализмнинг «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципи амалдадир, меҳнат «ишламаган тишламайди» деган принципга биноан меҳнатга лаёқатли ҳар бир гражданнинг вазифаси ва маънавий бурчидир.

Социалистик ижтимоий тузум меҳнат натижаларининг энг яхши бўлишидан, ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштиришдан одамларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини вужудга келтиради. Социалистик ишлаб чиқаришнинг ўсиши совет халқининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини тўхтовсиз ошириб бориш учун мустаҳкам негизни таъминлаб беради. Совет давлати меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш формаларини такомиллаштирмоқда ҳамда меҳнаткашларнинг оммавий социалистик мусобақасини ва коммунистик меҳнат ҳаракатини ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашмоқда.

Энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш — коммунизм қуришнинг энг муҳим шартидир. Бу вазифани ҳал этиш бутун халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини тезлаштиришни, меҳнаткашларнинг маданий-техникавий малакасини тўхтовсиз ўстиришни, улар меҳнатининг уюшқоқлик ва интизомлилик даражасини оширишни талаб қилади.

СССРда фан-техника тараққиёти аҳолини иш билан тўла равишда таъминлаш билан қўшиб олиб борилади ва меҳнатни тубдан енгиллаштирмоқ, иш ҳафтасини қисқартирмоқ, оғир жисмоний ва ҳар қандай малакасиз меҳнатни тугатмоқ учун ана шу фан-техника тараққиётидан фойдаланилади. Фан-техника тараққиёти ривожлана борган сари одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат бир-бирига аста-секин узвий равишда қўшилиб кета боради. Кенг миқёсда амалга оширилаётган текин махсус ва ҳунар-техника таълими иш ва касб турини, жамият манфаатларини ҳисобга олиб, ихтиёрий равишда танлаб олишни гарантиялайди.

Меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш, меҳнат шароитининг бехатар бўлишини таъминлаш, касб касалликларини ва ишлаб чиқаришда бўладиган жароҳатларни тугатиш Совет давлатининг асосий ғамхўрликларидан биридир.

Совет жамиятида меҳнаткашлар умумхалқ (давлат) мулки бўлган корхоналарни меҳнаткашлар депутатлари Советлари ва шу Советлар тузадиган давлат бошқарув органлари орқали бошқарадилар. Касаба союзлари ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб қилиш ишида жуда катта роль ўйнайди.

СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, гражданларнинг, миллати ва ирқидан қатъи назар, меҳнат соҳасида тенг ҳуқуқлилиги таъминланади. СССРда хотин-қизлар меҳнат қилишда, меҳнатга ҳақ олишда, дам олишда ва социал таъминотда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Гражданларнинг меҳнат ҳуқуқлари қонун билан қўриқланади. Меҳнат ҳуқуқлари давлат органлари томонидан, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан ҳимоя қилинади.

БИРИНЧИ БОБ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон ССР меҳнат қонунларининг вазифалари

Ўзбекистон ССР меҳнат қонунлари меҳнат унумдорлигини ўстиришга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ҳамда шу асосда меҳнаткашлар турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини юксалтиришга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ва жамият бахт-саодатини кўзлаб, меҳнатни ҳар бир меҳнатга лаёқатли кишининг биринчи ҳаётий эҳтиёжига аста-секин айлантиришга кўмаклашиб, барча ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солади.

Меҳнат қонунлари меҳнат шароитларининг юксак даражада бўлишини, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилишни белгилаб беради.

2-модда. Ишчи ва хизматчиларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари ва бурчлари

СССР гражданларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи халқ хўжалиги социалистик негизда ташкил этилганлиги, совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари муттасил ўсиб бораётганлиги, хўжалик кризисларини туғдирадиган сабабларнинг йўқ қилинганлиги ва ишсизлик тугатилганлиги билан таъминланади.

Ишчи ва хизматчилар ўзларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини корхонада, муассасада, ташкилотда ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузиш йўли билан амалга оширадилар. Ишчи ва хизматчилар сарфлаган меҳнатларининг миқдори ва сифатига яраша давлат томонидан гарантияланган иш ҳақи олиш ҳуқуқига, иш кунини ва иш ҳафтасини чеклаб қўйиш тўғрисидаги ҳамда ҳар йил ҳақ тўланадиган отпускалар бериш тўғрисидаги қонунларга мувофиқ дам олиш ҳуқуқига, соғлом ва бехатар меҳнат шароити билан таъминланиш, касбни текин ўрганиш ва малакаларини текин ошириш, касаба союзларига бирлашиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш, қариган чоғларида, шунингдек касал бўлган ва меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганларида давлат социал страхованиеси тартибида давлат маблағлари ҳисобидан моддий таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнат интизомига риоя қилиш, халқ мулкини авайлаб сақлаш, касаба союзларининг иштироки билан давлат томонидан белгилаб қўйилган меҳнат нормаларини бажариш барча ишчи ва хизматчиларнинг бурчидир.

3-модда. Колхоз аъзоларининг меҳнатини тартибга солиш

Колхоз аъзоларининг меҳнати колхознинг намунавий Устави асосида ва унга мувофиқ қабул қилинадиган колхоз уставлари билан, шунингдек ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг колхозларга таалуқли қонунлари билан тартибга солинади.

4-модда. ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асосларидан ҳамда шу Асосларга мувофиқ чиқариладиган ССР Иттифоқи меҳнат қонунларининг бошқа актларидан, ушбу Кодексдан ва Ўзбекистон ССР меҳнат қонунларининг бошқа актларидан иборатдир.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асосларида кўзда тутилган масалалар бўйича Ўзбекистон ССРда ишчилар ва хизматчилар меҳнати:

ССР Иттифоқи қонунлари билан;

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан;

Ўзбекистон ССР қонунлари билан тартибга солинади.

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини тартибга солиш соҳасида ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР нинг компетенциялари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асосларининг 107-моддасидаги ва бошқа моддаларидаги қоидаларга биноан чегаралаб қўйилади.

Ишчи ва хизматчиларнинг ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асосларида кўзда тутилмаган меҳнат масалалари ССР Иттифоқи қонунлари билан, ушбу Кодекс билан ва Ўзбекистон ССР меҳнат қонунларининг бошқа актлари билан тартибга солинади.

5-модда. Ўзбекистон ССРда бошқа иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунларини қўлланиш

Бошқа иттифоқдош республика территориясида меҳнат муносабатларидан келиб чиққан низолар Ўзбекистон ССРда кўрилган тақдирда, ўша иттифоқдош республиканинг меҳнат қонунлари қўлланилади.

6-модда. Меҳнатга оид шартномаларнинг меҳнат қонунларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмаслиги

Меҳнатга оид шартномаларнинг ишчи ва хизматчилар аҳволини ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунларида назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган ёки шу қонунларга бошқа бир тарзда зид бўлган шартлари ҳақиқий эмасдир.

ИККИНЧИ БОБ

КОЛЛЕКТИВ ШАРТНОМА

7-модда. Коллектив шартноманинг мазмуни

Коллектив шартнома амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича мазкур корхона, ташкилот учун белгилаб қўйилган асосий қоидаларни, шунингдек иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида маъмурият ҳамда касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети томонидан ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлар доирасида ишлаб чиқилган ва норматив характерда бўлган қоидаларни ўз ичига олиши лозим.

Коллектив шартномада ишлаб чиқариш планларини бажариш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, янги техникани жорий қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш, социалистик мусобақани ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида кадрлар малакасини ошириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича маъмурият билан ишчи ва хизматчилар коллективининг ўзаро мажбуриятлари белгилаб берилади.

Коллектив шартнома ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга тортиш, меҳнатни нормалаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш формаларини такомиллаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш илғорларига имтиёзлар ва афзалликлар бериш, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни ривожлантириш бўйича маъмуриятнинг ҳамда касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг мажбуриятларини ўз ичига олиши лозим.

8-модда. Коллектив шартномалар тузиладиган корхона ва ташкилотлар

Коллектив шартномалар рўйхати ССР Иттифоқи қонунлари билан белгиланадиган халқ хўжалиги тармоқларининг мустақил балансга эга бўлган ва юридик шахс ҳисобланган корхона ва ташкилотларида тузилади.

9-модда. Коллектив шартнома тузиш

Коллектив шартнома касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети томонидан ишчи ва хизматчилар коллективи номидан корхона, ташкилот маъмурияти билан тузилади.

Коллектив шартномани тузишдан олдин унинг лойиҳаси ишчи ва хизматчиларнинг йиғилишларида (конференцияларида) муҳокама қилиниши ва маъқулланиши лозим.

Коллектив шартнома ҳар йили тузилади.

10-модда. Коллектив шартнома тузишдаги ихтилофларни ҳал қилиш

Коллектив шартнома тузиш пайтида касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан корхона ташкилот маъмурияти ўртасида вужудга келадиган ихтилофлар тарафлар иштирокида уларнинг юқори органлари томонидан биргаликда ҳал қилинади.

11-модда. Коллектив шартнома формаси

Коллектив шартнома ёзма формада тузилиб, ҳеч қандай рўйхатдан ўтказилмайди.

12-модда. Коллектив шартнома муддати ва унинг кучга кириши

Коллектив шартнома бир йил муддатга тузилади ва тарафлар имзолаган кундан ёки шартномада кўрсатилган муддатдан эътиборан кучга киради.

13-модда. Коллектив шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш

Коллектив шартномага унинг амал қилиш муддати мобайнида ушбу Кодекснинг 9-моддасида кўрсатилган тартибда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш мумкин.

14-модда. Коллектив шартноманинг ҳамма ишчи ва хизматчиларга тааллуқлиги

Коллектив шартнома, корхона, ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари касаба союзи аъзоси бўлиш-бўлмасликларидан қатъий назар, уларнинг ҳаммасига тааллуқлидир.

15-модда. Касаба союзларининг коллектив шартномалар бўйича моддий жавобгарликдан озод қилиниши

Касаба союзлари коллектив шартномалар бўйича моддий жавобгар бўлмайдилар.

16-модда. Коллектив шартноманинг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар

Корхона, ташкилот маъмурияти ва касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети коллектив шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ишчи ва хизматчилар коллективи олдида ҳисобот берадилар.

17-модда. Коллектив шартноманинг бажарилиши устидан контроль қилиш

Коллектив шартномадаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети, корхона, ташкилот маъмурияти ва уларнинг юқори органлари контроль қиладилар.

УЧИНЧИ БОБ

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

18-модда. Меҳнат шартномасининг тарафлари ва мазмуни

Меҳнат шартномаси меҳнаткашлар билан корхона, муассаса, ташкилот ўртасидаги битим бўлиб, бу битимга кўра меҳнаткашлар муайян ихтисос, малака ёки лавозимга оид ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда бажаришни ўз зиммаларига оладилар, корхона, муассаса, ташкилот эса меҳнат қонунларида, коллектив шартномада ва тарафларнинг ўзаро битимида кўзда тутилган иш ҳақини меҳнаткашларга тўлаб туриш ва меҳнат шароитини таъминлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

19-модда. Ишга қабул қилиш гарантиялари

Ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш тақиқланади.

СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, ишга қабул қилиш чоғида жинсга, ирққа, миллатга ва динга бўлган муносабатга қараб ҳуқуқларни бевосита ёки бавосита қандай бўлмасин чеклаб қўйишга ёки бевосита ёхуд бавосита афзалликлар белгилашга йўл қўйилмайди.

20-модда. Қариндош-уруғларнинг бирга хизмат қилишларини чеклаш

Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахслар (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бундай шахсларнинг бир корхона, муассаса, ташкилотда бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланиши мумкин.

21-модда. Меҳнат шартномасининг формаси

Меҳнат шартномаси оғзаки ёки ёзма формада тузилиши мумкин.

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида назарда тутилган ҳолларда меҳнат шартномаси албатта ёзма формада тузилиши шарт.

22-модда. Меҳнат шартномасининг муддати

Меҳнат шартномалари:

1) номуайян муддатга;

2) уч йилдан ошиқ бўлмаган муайян муддатга;

3) муайян ишни бажариш вақти назарда тутилиб тузилади.

23-модда. Муддатли меҳнат шартномасининг амал қилишини узайтириш

Меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин (22-модданинг 2- ва 3-бандлари), тарафлар истагига кўра, у янги муддатга қайтадан тузилиши мумкин.

Агар шартнома муддати тугагандан кейин меҳнат муносабатлари давом этса ва тарафлардан бирортаси унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома олдинги шартларда номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади.

24-модда. Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишга қабул қилаётганда ишга кираётган шахслардан:

1) паспорт тўғрисидаги қонунларга мувофиқ паспорт ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжат кўрсатишни, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлардан эса туғилиш тўғрисида гувоҳнома кўрсатишни;

2) меҳнат дафтарчасини, ишга биринчи марта кираётган шахслардан эса, — унинг сўнгги машғулоти ҳақида маҳалла комитети, уй бошқармаси ёки меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ёки посёлка Совети ижроия комитети справкасини, СССР Қуролли Кучлари сафидан озод бўлганлардан — ҳарбий билетни кўрсатишни талаб қилиши лозим.

Қонунга мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина (врачлар, шоферлар ва бошқалар) бажаришига йўл қўйиладиган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни кўрсатиш шарт.

Ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилишда ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилгандан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

25-модда. Ишга қабул қилишни расмийлаштириш

Ишга қабул қилиш маъмурият буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади.

Буйруқда (фармойишда) ходим қабул қилинаётган ишнинг (вазифанинг) тариф-малака справочнигига ёки штатлар жадвалига мувофиқ аниқ номи кўрсатилиши лозим. Буйруқ (фармойиш) ходимга тилхат билан маълум қилинади.

Меҳнаткашга ҳақиқатда ишлашга рухсат берилган бўлса, ишга олиш тегишли равишда расмийлаштирилган - расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

26-модда. Меҳнат дафтарчалари

Меҳнат дафтарчаси ишчи ёки хизматчининг меҳнат фаолияти ва меҳнат стажи тўғрисидаги асосий ҳужжатдир.

Меҳнат дафтарчалари корхона, муассаса, ташкилотда беш кундан ортиқ ишлаётган ҳамма ишчи ва хизматчиларга тутилади.

Меҳнат дафтарчасига иш тўғрисидаги, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотдаги ишда эришган муваффақиятлари учун рағбатлантиришлар ва мукофотлар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Жазолар меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

27-модда. Ишга қабул қилишда синаб кўриш

Меҳнат шартномаси тузилаётганда ишчи ёки хизматчининг топширилаётган ишга мувофиқлигини текшириб кўриш мақсадида уни синовдан ўтказиш шарти ҳақида тарафлар ўзаро келишиб қўйиши мумкин. Синов шарти ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқда (фармойишда) кўрсатилган бўлиши керак.

Қуйидаги ҳолларда синов белгиланмайди:

1) 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилганда;

2) профессионал-техника ва техника билим юртларини тамомлаган ёш ишчиларни ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб чиққан ёш мутахассисларни ишга қабул қилганда;

3) бронь ҳисобига ишга юборилган Ватан уруши инвалидларини ишга қабул қилганда;

4) бошқа жойдаги ишга қабул қилганда;

5) ишчи ва хизматчиларни бошқа корхона, муассаса, ташкилотдаги ишга кўчирганда;

6) қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

28-модда. Ишга қабул қилишда синов муддатлари

Ишга қабул қилишда синов муддатлари:

1) ишчилар учун — олти иш кунидан;

2) малакасиз ёки масъулияти кам иш турларига олинадиган хизматчилар учун — ўн икки иш кунидан;

3) масъулиятлироқ иш турларига қабул қилинадиган хизматчилар учун — йигирма тўрт иш кунидан;

4) министрлик ва идораларнинг илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, лойиҳа-конструкторлик, технологик ташкилотлари, олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқот бўлинмаларидаги аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимлар учун — 3 ойдан, айрим ҳолларда эса, маъмуриятнинг касаба союзи тегишли комитети билан келишиб чиқарган қарорига кўра, — олти ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик вақти, шунингдек узрли сабабларга кўра ходим ишга келмаган вақтлар синов муддатига кирмайди.

29-модда. Синов даврида ишчи ва хизматчиларга меҳнат қонунларининг татбиқ этилиши

Синов даврида ишчи ва хизматчиларга меҳнат қонунлари тўлиқ татбиқ этилади.

Синов даври меҳнат стажига киради.

30-модда. Ишга қабул қилишда синов натижаси

Агар синов муддати тамом бўлгандан кейин ҳам ишчи ёки хизматчи ишни давом эттираётган бўлса, у синовдан ўтган ҳисобланади ва бундан кейин меҳнат шартномасини бекор қилишга фақат умумий асослардагина йўл қўйилади.

Синов натижаси қониқарсиз деб топилганда, ишчи ёки хизматчини маъмурият касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг розилигини олмасдан ва ишдан бўшатиш нафақаси тўламасдан ишдан бўшатади. Бундай ҳолда ишдан бўшатилганидан норози ишчи ёки хизматчи район (шаҳар) халқ судига, тегишли ҳолларда эса —бўйсунишига қараб юқори орган га (253- ва 254- моддалар) шикоят қилиши мумкин.

31-модда. Меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилмаган ишни бажаришни талаб қилишнинг тақиқланиши

Маъмурият ишчи ёки хизматчидан меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилмаган ишни бажаришни талаб қилишга ҳақли эмас.

32-модда. Бошқа ишга кўчириш

Айни бир корхона, муассаса, ташкилотнинг ўзида бошқа ишга кўчиришга, шунингдек бошқа корхона, муассаса, ташкилотдаги ишга ёхуд бошқа жойдаги ишга, гарчи корхона, муассаса, ташкилот билан биргаликда бўлса ҳам, кўчиришга фақат ишчи ёки хизматчининг розилиги билангина йўл қўйилади; ушбу Кодекснинг 33, 34 ва 158- моддаларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ишчи ёки хизматчини ўша корхона, муассаса, ташкилотда ўша ихтисос, малака, вазифа бўйича ҳамда муҳим меҳнат шароитларини (меҳнат ҳақи миқдори, меҳнат ҳақи тўлаш системаси, бериладиган имтиёзлар, афзалликлар ҳажми ва бошқаларни) сақлаган ҳолда бошқа иш жойига ўтказиш бошқа ишга кўчириш деб ҳисобланмайди.

33-модда. Ишлаб чиқариш зарурати билан вақтинча бошқа ишга кўчириш

Корхона, муассаса, ташкилот учун ишлаб чиқариш зарурати туғилган тақдирда, маъмурият ишчи ва хизматчиларни шу корхона, муассаса, ташкилотда ёки айни ўша жойнинг ўзидаги бошқа корхона, муассаса, ташкилотда меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилмаган ишга бир ойгача бўлган муддат билан кўчиришга ҳақли; бундай ишчи ва хизматчиларга бажараётган ишига қараб илгариги иши учун олиб келган ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслик шарти билан меҳнат ҳақи тўлаб турилади. Ана шундай ишга кўчиришга табиий офатнинг, ишлаб чиқаришдаги авариянинг олдини олиш ёки шундай ҳолларни тугатиш ёхуд уларнинг оқибатига дарҳол барҳам бериш учун; бахтсиз ҳодисаларнинг, иш тўхтаб қолишининг, давлат ёки жамоат мулки нобуд бўлишининг ёки бузилишининг олдини олиш учун ва бошқа фавқулодда ҳолларда, шунингдек йўқ ишчи ёки хизматчининг ўрнида ишлатиш учун зарур бўлганда йўл қўйилади. Йўқ ходимнинг ўрнида ишлаб туриш учун кўчириш муддати календарь йил мобайнида бир ойдан ошмаслиги керак.

34-модда. Иш тўхтаб қолганда вақтинча бошқа ишга кўчириш

Иш тўхтаб қолган тақдирда ишчи ва хизматчилар ихтисослари ва малакалари ҳисобга олинган ҳолда шу корхона, муассаса, ташкилотдаги бошқа ишга иш тўхтаб қолган бутун вақт давомида ишлаш учун ёки ўша жойнинг ўзидаги бошқа корхона, муассаса, ташкилотга бир ойгача бўлган муддат билан бошқа ишга кўчириладилар.

Иш тўхтаб қолганлиги сабабли кам ҳақ тўланадиган бошқа ишга кўчирилган чоғда ишлаб чиқариш нормаларини бажараётган ишчи ва хизматчиларнинг илгариги ишидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, нормани бажармаётган ёки вақтбай ҳақ тўланадиган ишга кўчирилган ишчи ва хизматчиларнинг эса тариф ставкаси (маоши) сақланиб қолади.

35-модда. Малакасиз ишларга кўчиришни чеклаш

Иш тўхтаб қолганида ва йўқ ходимнинг ўрнига вақтинча ишлаш учун ўтказиб қўйиш лозим бўлганда малакали ишчи ва хизматчиларни малакасиз ишларга кўчиришга йўл қўйилмайди.

36-модда. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари

Меҳнат шартномасини бекор қилиш учун:

1) тарафларнинг келишуви;

2) муддатнинг тугаганлиги (22-модданинг 2 ва 3 бандлари). меҳнат муносабатлари ҳақиқатда давом этаётган ва тарафларнинг биронтаси бу муносабатларни бекор қилишни талаб қилмаган ҳоллар бундан мустасно;

3) ишчи ёки хизматчининг ҳарбий хизматга чақирилганлиги ёки ўтганлиги;

4) ишчи ёки хизматчининг ташаббусига биноан (38.39 ва 40-моддалар). маъмуриятнинг ташаббусига биноан (41-модда) ёхуд касаба союзи органининг талабига биноан (46-модда) меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги;

5) ходимнинг розилиги билан унинг бошқа ишга кўчирилганлиги ёки сайлаб қўйиладиган вазифага ўтганлиги;

6) ишчи ёки хизматчининг корхона, муассаса, ташкилот билан бирга бошқа жойга кўчишни истамаганлиги;

7) ишчи ёки хизматчини озодликдан маҳрум этишга, иш жойидан бошқа жойда ахлоқ тузатиш ишларини ўташга ёхуд ўз ишини давом эттириш учун имконият бермайдиган бошқа бир жазога маҳкум қилган суд ҳукми (шартли ҳукмлар бундан мустасно) қонуний кучга кирганлиги асос бўлади.

Корхона, муассаса, ташкилот бир орган ихтиёридан бошқа орган ихтиёрига ўтганда ҳам меҳнат шартномаси давом этаверади. Корхона, муассаса, ташкилотлар бирлаштирилган, бўлинган ёки бирбирларига қўшилган тақдирда меҳнат шартномаси ишчи ёки хизматчининг розилиги билан давом этаверади; бундай ҳолларда ходимлар сони ва штати қисқартирилган тақдирдагина маъмурият ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин (41-модданинг 1- банди).

37-модда. Баъзи категориядаги ишчи ва хизматчилар билан тузилган меҳнат шартномасини алоҳида ҳолларда бекор қилиш учун қўшимча асослар

Баъзи категориядаги ишчи ва хизматчилар билан тузилган меҳнат шартномаси, ушбу Кодекснинг 36-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

(Давоми иккинчи бетда).

Балли, ишчилар синфи!

РЕСПУБЛИКАМИЗ САНОАТИ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРДИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан илҳомланиб, саноат маҳсулотини реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари, 19 декабрда бажардилар. Республикамиз корхоналарининг меҳнат аҳли пландан ташқари кўп миқдорда кўмир, нефть ва нефть маҳсулотлари, электр энергияси, пахта териш ва қишлоқ хўжалик машиналари, пахта толаси, халқ истеъмоли товарлари ҳамда буюмларнинг бошқа муҳим хилларини ишлаб чиқаришга эришди.

Республика саноат корхоналари коллективлари ишлаб чиқариш суръатларини тағин ҳам ошириб, йил охиригача яна планга қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИ

(Боши биринчи бетда).

1) бўйсуниш тартибида интизомий жавобгар бўладиган ходим меҳнат бурчларини бир марта қўпол суратда бузган тақдирда:

2) пул ёки товар қимматликлари билан бевосита боғлиқ ишлардаги ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилган тақдирда, башарти бу ҳаракатлар маъмуриятнинг унга ишончини йўқотиши учун асос бўлса;

3) тарбиявий вазифаларни бажарувчи ходим бу ишни бундан кейин давом эттириши мумкин бўлмаган даражада ахлоқсизлик қилган тақдирда;

4) ходим суд қарори билан даволаш-меҳнат профилакторийсига юборилган тақдирда.

Мазкур модданинг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида ушбу Кодекснинг 43-моддаси талабларига риоя қилиниши шарт.

ССР Иттифоқи қонунлари билан ва, бу қонунлар белгилайдиган доирада Ўзбекистон ССР қонунлари билан баъзи категориядаги ишчи ва хизматчилар билан тузилган меҳнат шартномасини ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганида ва бошқа ҳолларда бекор қилиш учун бошқа қўшимча асослар ҳам белгиланиши мумкин.

38-модда. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ишчи ёки хизматчи ташаббуси билан бекор қилиш

Ишчи ва хизматчилар номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини маъмуриятга икки ҳафта олдин бу ҳақда ёзма равишда хабар бериб бекор қилишга ҳақлидирлар.

Бу муддат тугагандан кейин ишчи ёки хизматчи ишни тўхтатишга ҳақли, корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериб, у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан маъмуриятнинг ўзаро келишувига кўра, меҳнат шартномаси икки ҳафталик муддат ўтмасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

39-модда. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза берилгач, икки ҳафта ўтгандан сўнг ишдан озод қилинмаган ходимни ишдан бўшатишга йўл қўйилмаслиги

Агар ариза берилган кундан бошлаб икки ҳафта ўтгандан кейин ҳам ходим ҳақиқатда ишдан бўшатилмаган ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ўз истагини тасдиқламаган бўлса, у ҳолда ушбу Кодекснинг 38-моддасига асосан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

40-модда. Муддатли меҳнат шартномасини ишчи ёки хизматчининг ташаббуси билан бекор қилиш

Муддатли меҳнат шартномаси (22-модданинг 2 ва 3-бандлари) ходимнинг шартномада кўрсатилган ишни бажаришга имкон бермайдиган касаллиги ёки инвалид бўлиб қолгани сабабли, маъмурият меҳнат қонунларини, коллектив ёки меҳнат шартномасини бузган тақдирда ва бошқа узрли сабабларга кўра ходимнинг талаби билан муддатидан олдин бекор қилиниши лозим.

41-модда. Меҳнат шартномасининг маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек муддатли меҳнат шартномаси муддати тамом бўлмасдан олдин корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан қуйидаги ҳоллардагина бекор қилиниши мумкин:

1) корхона, муассаса, ташкилот тугатилган, ходимлар сони ёки штати қисқартирилган тақдирда;

2) ишчи ёки хизматчи малакаси етарли бўлмаганлиги ёхуд бетоблиги натижасида шу ишни давом эттиришга қодир бўлмай қолганлиги сабабли ўзи эгаллаб турган вазифасига ёки бажараётган ишига нолойиқ эканлиги аниқланган тақдирда;

3) ишчи ёки хизматчи меҳнат шартномасига ёки ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан ўз зиммасига юкланган вазифаларни узрсиз сабаблар билан систематик равишда бажармаётган тақдирда, башарти ишчи ёки хизматчига илгари интизомий ёки жамоат таъсири чоралари қўлланилган бўлса;

4) узрсиз сабаблар билан прогул қилган (шу жумладан иш жойига маст бўлиб келган) тақдирда;

5) ҳомиладорлик ва туғиш отпускасини ҳисобламаганда, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик сабабли тўрт ойдан кўпроқ вақт давомида ишга сурункасига келмай қолган тақдирда, башарти ССР Иттифоқи қонунларида муайян дард билан оғриган шахсларнинг иш жойини (вазифасини) сақлаб туришнинг бундан кўра кўпроқ муддати белгиланмаган бўлса. Меҳнатда майиб бўлиб қолганлиги ёки касб касаллиги билан оғриганлиги сабабли меҳнат қобилиятини йўқотган ишчи ва хизматчиларнинг иш жойи (вазифаси) меҳнат қобилиятини қайта тиклаб олгунларича ёки инвалид эканликлари аниқлангунича сақланиб туради;

6) ишни илгари бажариб келган ишчи ёки хизматчи шу ишга қайта тикланган тақдирда.

Ходимни ушбу модданинг 1, 2 ва 6-бандларида кўрсатиб ўтилган асосларга биноан ишдан бўшатишга, агар унинг ўз розилиги билан бошқа ишга кўчириш имконияти бўлмаса, йўл қўйилади.

Ходим вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган даврда (ушбу модданинг 5-бандига асосан ишдан бўшатишдан бошқа), шунингдек ходим отпускада бўлган даврда уни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Муассаса, корхона, ташкилотнинг тамомила тугатилиш ҳолларида бу қоида татбиқ этилмайди.

42-модда. Ходимларнинг сони ёки штати қисқартирилган тақдирда ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуқ

Ходимларнинг сони ёки штати қисқартирилган тақдирда, меҳнат унумдорлиги ва малакаси юқорироқ бўлган ишчи ва хизматчилар ишда қолиш бўйича имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Меҳнат унумдорлиги ва малакалари бир хилда бўлган тақдирда ишда қолиш учун афзаллик қуйидагиларга берилади:

1) қарамоғида иккита ёки ундан кўпроқ оила аъзолари бор ходимларга;

2) оиласида мустақил иш ҳақи оладиган бошқа ходимлар бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхона, муассаса, ташкилотда узлуксиз меҳнат стажи кўпроқ бўлган ходимларга;

4) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз малакасини ошираётган ходимларга;

5) мазкур корхона, муассаса, ташкилотда меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига учраганларга;

6) уруш инвалидларига ҳамда СССРни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчилар ва партизанларнинг оила аъзоларига.

43-модда. Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишмай туриб маъмурият ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни тақиқлаш

Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг олдиндан розилигини олмай туриб корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди: ССР Иттифоқи қонунларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир.

ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети билан олдиндан келишиб олмасдан туриб, фақат қуйидаги ходимлар билангина меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин:

1) махсус рўйхатда кўрсатилган вазифаларни эгаллаб турганлар билан;

2) конкурс бўйича қўйиладиган вазифаларни эгаллаб турганлар билан, башарти бу шахслар янги муддатга сайланмаганликлари ёки эгаллаб турган вазифаларига белгиланган тартибда номувофиқ деб топилганликлари учун, конкурс бўйича қабул қилинган-қилинмаганликлари ёки конкурсдан ўтмасдан мансабни вақтинча эгаллаб турганликларидан қатъи назар, ишдан бўшатилсалар;

3) интизом тўғрисидаги уставларга мувофиқ ишдан бўшатиладиган шахслар билан, башарти уставда уларни ишдан бўшатишни касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиш кўзда тутилмаган бўлса;

4) ўриндошликда ишлаётганлар билан, — ўриндошлик вазифаси ёки ишидан;

5) ишга қабул қилиш пайтида ушбу Кодекснинг 27-моддасида белгиланган синовдан ўтолмаганлар билан.

Ушбу модда талабларини бузган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш ғайриқонуний ҳисобланади, ишдан бўшатилган ходим эса аввалги ишига тикланиши керак (244-модда).

44-модда. Маъмуриятнинг меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги илтимосини касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети томонидан кўриб чиқиш муддати

Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги илтимоси касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети томонидан маъмурият шу комитетга мурожаат қилган кундан бошлаб узоғи билан етти кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

45-модда. Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг розилигини олгандан кейин маъмурият томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш муддати

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ходимни ишдан бўшатишга касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг розилигини олган кундан бошлаб узоғи билан бир ой мобайнида меҳнат шартномасини бекор қила олади (41-модда).

Меҳнат интизомини бузганлик учун маъмурият томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишга (41-модданинг 3 ва 4 бандлари) интизом жазоси бериш учун кўзда тутилган муддатлар ўтиб кетгандан кейин (159-модданинг учинчи қисми) йўл қўйилмайди.

46-модда. Касаба союзи органининг талабига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш

Агар раҳбар ходим меҳнат қонунларини бузаётган, коллектив шартномада олинган мажбуриятларни бажармаётган, бюрократлик қилаётган, сансалорликка йўл қўяётган бўлса, маъмурият касаба союзи органининг (район органидан паст бўлмаган органнинг) талабига биноан шу раҳбар ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ёки уни мансабидан тушириши шарт.

Ходим ёки маъмурият касаба союзи органининг талаби устидан юқори касаба союзи органига шикоят қилиши мумкин; юқори касаба союзи органининг қарори қатъийдир.

47-модда. Ишдан четлаштириш

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилгандан бошқа ҳолларда ишчи ёки хизматчини ишдан (вазифасидан) четлаштиришга йўл қўйилмайди.

48-модда. Меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш

Меҳнат шартномасини бекор қилиш корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади.

Маъмурият буйруғи (фармойиши)да ва меҳнат дафтарчасида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу Кодекснинг 30, 36, 37, 38, 40, 41 ва 46-моддалари формулировкасига ёки ишдан бўшатишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив актлар формулировкасига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, Кодекс ёхуд норматив актларнинг моддалари (бандлари) кўрсатилиши керак.

Меҳнат шартномаси ишчи ёки хизматчининг ташаббуси билан унинг касаллиги, инвалидлиги, қарилик пенсиясига чиқиши, олий ёки ўрта махсус ўқув юртига ёхуд аспирантурага қабул қилиниши ва қонунларга кўра бирор имтиёз ва афзаллик бериладиган бошқа сабаблар муносабати билан бекор қилинганда, меҳнат дафтарчасидаги бўшатиш ҳақидаги ёзувларда бу сабаблар ҳам кўрсатилади.

49-модда. Ишдан бўшатиш нафақаси

Ушбу Кодекс 36-моддасининг 3 ва 6 бандларида ҳамда 41-моддасининг 1, 2 ва 6 бандларида кўрсатилган асосларга биноан ёхуд меҳнат қонунларини, коллектив ёки меҳнат шартномасини маъмурият бузганлиги натижасида (40-модда) меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, ишчи ва хизматчиларга икки ҳафталик ўртача иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

50-модда. Ишдан бўшаган ходимларга уларга тегишли иш ҳақини маъмурият томонидан тўлаш муддатлари

Меҳнат шартномаси корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ташаббуси билан бекор қилинганда ишдан бўшатилаётган ходимга тегишли иш ҳақи, башарти унинг миқдори ҳақида низо бўлмаса:

1) ишдан бўшатиладиган куни ишлаётган ходимга — ишдан бўшатиш куни;

2) ишдан бўшатиладиган куни ишламаётган ходимга — у ҳисоб-китоб қилишни талаб этган куни тўланиши керак.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда унга тегишли иш ҳақи, башарти унинг миқдори ҳақида низо бўлмаса:

1) ишдан бўшалиши ҳақида қонун ёки шартномага кўра маъмуриятни огоҳлантириши шарт бўлган ходимга — огоҳлантиришига кўра у ишни ташлаб кета олиши мумкин бўлган кундан кечиктирмасдан;

2) ишдан бўшалиши ҳақида маъмуриятни огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга — ишдан кетган куннинг эртасидан кечиктирмай тўланиши керак.

Ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, маъмурият ходимга шакшубҳасиз тегадиган суммани ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

51-модда. Меҳнат дафтарчасини бериш

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишчи ёки хизматчига унинг меҳнат шартномаси бекор қилингани кўрсатиб ёзилган меҳнат дафтарчасини бериши шарт.

ТЎРТИНЧИ БОБ

ИШ ВАҚТИ

52-модда. Иш вақти муддатини нормага солиш

Барча ишчи ва хизматчиларнинг иш вақти муддатини нормага солиш давлат томонидан касаба союзлари иштирокида амалга оширилади.

Иш вақти муддатининг нормалари, қонунларда бошқа ҳоллар кўрсатилмаган бўлса, корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти билан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети ёки ишчи ва хизматчи ўртасида тузилган битимга кўра ўзгартирилиши мумкин эмас.

53-модда. Иш вақтининг нормал муддати

Корхона, муассаса, ташкилотларда ишчи ва хизматчилар иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 41 соатдан ошиқ бўлиши мумкин эмас. Иқтисодий ва бошқа зарур шароитлар вужудга келиши билан бундан ҳам қисқароқ иш ҳафтасига ўтилаверади.

54-модда. Иш вақтининг қисқартирилган муддати

Қуйидагилар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади:

1) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун — ҳафтасига 36 соат, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса (200-модда) — ҳафтасига 24 соат;

2) меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда ишлаб турган ишчи ва хизматчилар учун — ҳафтасига кўпи билан 36 соат.

Бундан ташқари, ССР Иттифоқи қонунлари билан ходимларнинг айрим категориялари (ўқитувчилар, врачлар ва бошқалар) учун иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

55-модда. Беш кунлик иш ҳафтаси ҳамда ҳар кунги ишнинг муддати

Ишчи ва хизматчилар учун икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси белгиланади. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлганида ҳар кунги иш (смена) муддати ички меҳнат тартиби қоидалари билан ёки сменаларнинг алмашиниш графиклари билан белгиланади. Бу қоида ва графикларни маъмурият касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб ва иш ҳафтасининг белгилаб қўйилган муддатига (53 ва 54-моддалар) риоя қилиб тасдиқлайди.

56-модда. Олти кунлик иш ҳафтаси ҳамда ҳар кунги ишнинг муддати

Ишлаб чиқариш характери ва иш шароитига кўра беш кунлик иш ҳафтасини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаган корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади. Иш ҳафтаси олти кунлик бўлганида ҳафталик иш вақти нормаси 41 соат бўлгани ҳолда ҳар кунги иш муддати 7 соатдан ошмаслиги, ҳафталик иш вақти нормаси 36 соат бўлганида 6 соатдан ошмаслиги ва ҳафталик иш вақти нормаси 24 соат бўлганида ҳар кунги иш муддати 4 соатдан ошмаслиги керак.

57-модда. Байрам кунлари арафасидаги иш муддати

Байрам кунлари арафасида (77-модда) ушбу Кодекснинг 54-моддасида кўрсатилган ишчи ва хизматчилардан бошқа ишчи ва хизматчиларнинг иш муддати беш кунлик иш ҳафтасида ҳам, олти кунлик иш ҳафтасида ҳам бир соат қисқартирилади.

58-модда. Дам олиш кунлари арафасидаги иш муддати

Дам олиш кунлари арафасида иш ҳафтаси олти кунлик бўлганида иш муддати 6 соатдан ошиқ бўлиши мумкин эмас.

59-модда. Тунги иш муддати

Тунги ишларда белгилаб қўйилган иш (смена)нинг муддати бир соат қисқартирилади. Бу қоида иш вақти қисқартириб қўйилган (54-модданинг биринчи қисми 2-банди ва иккинчи қисми) ишчи ва хизматчиларга жорий қилинмайди.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра зарур бўлган ҳолларда, жумладан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишлаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Кеч соат 10 дан эрталаб соат 6 гача бўлган вақтни тунги вақт деб ҳисобланади.

60-модда. Тунги ишларга жалб қилишни чеклаш

Қуйидагилар тунги ишларга жалб қилинмайдилар:

1) ҳомиладор аёллар, бола эмизувчи оналар, бир ёшга тўлмаган боласи бор аёллар (188-модданинг иккинчи қисми);

2) актив формадаги сил касаллар;

3) ўн саккиз ёшга етмаган ишчи ва хизматчилар (206-модда).

Инвалидлар тунги ишларга фақат ўз розилиги билан ва башарти бундай иш уларга медицина тавсиялари билан тақиқланмаган бўлсагина жалб қилиниши мумкин (183-модда).

61-модда. Нормаланмаган иш куни

Корхона, муассаса, ташкилотларда нормаланмаган иш куни фақат ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатда кўрсатилган ишчи ва хизматчилар учун жорий этилиши мумкин.

62-модда. Тўлиқсиз иш вақти

Ишчи, хизматчи билан маъмуриятнинг ўзаро келишувига кўра, ишга қабул қилиш чоғида ҳам, шунингдек кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда меҳнат ҳақи ишланган вақтга пропорционал равишда ёки бажарилган ишга қараб тўланади.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳажмини бирор тарзда чеклашга асос бўла олмайди.

63-модда. Иш вақтини қисмларга бўлиш

Баъзи ишларда, меҳнатнинг алоҳида характерига кўра, иш куни қонунларда кўрсатилган тартибда қисмларга бўлиниши мумкин; бунда иш вақтининг умумий муддати кундалик иш вақтининг белгилаб қўйилган муддатидан ортиб кетмаслиги шарт.

64-модда. Кундалик ишнинг бошланиш ва тугаш вақти.

Кундалик ишнинг бошланиш ва тугаш вақти ички меҳнат тартиби қоидалари ва сменаларнинг алмашиниш графиклари билан амалдаги қонунларга мувофиқ қилиб белгиланади.

65-модда. Сменали иш

Иш сменали бўлганда ҳар бир ходимлар группаси (смена бригадаси) ишни қонунларга мувофиқ белгиланган иш вақти мобайнида бажариши лозим.

Сменали ишларда ходимлар бир текисда смена алмашадилар. Бир сменадан бошқа сменага, қоида тариқасида, ҳафта оралаб, сменаларнинг алмашиниш графикларида белгиланган соатларда ўтилиши керак.

Ходимни кетма-кет икки сменада ишлашга тайинлаш тақиқланади.

Смена алмашиниш графиклари, одатда, амалга киритилишидан камида икки ҳафта илгари ишчи ва хизматчиларга маълум қилинади.

66-модда. Иш вақтидан ортиқ ишлашни чеклаш

Белгиланган иш вақти муддатидан ортиқча ишлаш иш вақтидан ортиқча иш деб ҳисобланади (55, 56 ва 69-моддалар).

Иш вақтидан ортиқ ишлашга, одатда, йўл қўйилмайди.

Маъмурият фақат қуйидаги алоҳида ҳоллардагина иш вақтидан ортиқ ишлата олиши мумкин:

1) мамлакат мудофааси учун зарур ишларни бажариш, табиий офат ва ишлаб чиқариш авариясининг олдини олиш ёки тугатиш ёхуд уларнинг оқибатларини дарҳол бартараф этиш учун;

2) сув таъминоти, газ таъминоти, иситиш, ёритиш, канализация, транспорт, почта-телеграф ва телефон алоқалари бўйича жамият учун зарур ишларни бажариш, уларнинг тўғри ишлаб туришини бузадиган тасодифий ёки кутилмаган вазиятларнинг олдини олиш учун;

3) бошланган ишни охирига етказиш зарурати туғилганда, башарти бу иш ишлаб чиқаришнинг техник шароитларига кўра тасодифан ёки кутилмаган ҳолда тўхтаб қолганлиги натижасида нормал иш-соатлари мобайнида тамомланмаган бўлса, агар бунда бошланган ишнинг тўхтаб қолиши туфайли давлат ёки жамоат мулки нобуд бўлса ёки бузилса;

4) механизм ва иншоотларни ремонт қилиш ва тиклаш учун муваққат ишлар жалб қилинганда, башарти механизм ва иншоотларнинг бузилиши анчагина ишчи ва хизматчиларнинг ишлари тўхтаб қолишига сабаб бўлса;

5) ишни тўхтатиб бўлмаса, ишга келмаган сменачининг ўрнида ишлаш учун. Бу ҳолда маъмурият дарҳол сменачини бошқа ходим билан алмаштириш чораларини кўриши лозим.

Иш вақтидан ортиқ ишлашга фақат касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг рухсати билангина йўл қўйилади.

67-модда. Иш вақтидан ортиқ энг кўп ишлаш муддати

Иш вақтидан ортиқ ишлаш ҳар бир ишчи ва хизматчи учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан ва йилига 120 соатдан ошиқ бўлмаслиги лозим.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ҳар бир ходимнинг иш вақтидан ортиқ бажарган ишларини аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

68-модда. Баъзи категориядаги ишчи ва хизматчиларни иш вақтидан ортиқ ишлатишни тақиқлаш

Қуйидагилар иш вақтидан ортиқ ишларга жалб қилинмайдилар:

1) ҳомиладор аёллар, бола эмизувчи оналар, шунингдек бир ёшга тўлмаган боласи бор аёллар:

2) ўн саккиз ёшга етмаган ишчи ва хизматчилар;

3) актив формадаги сил касаллар

4) амалдаги қонунларга мувофиқ бошқа категориядаги ишчи ва хизматчилар.

Бир яшардан саккиз ёшгача боласи бор аёллар, шунингдек инвалидлар фақат ўз розиликлари билангина иш вақтидан ортиқ ишлатилишлари мумкин; башарти инвалидларга бундай иш медицина тавсиялари билан тақиқланмаган бўлса (183 ва 188-моддалар).

69-модда. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш

Узлуксиз ишлайдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек ишлаб чиқариш (иш) шароитига кўра ишчи ва хизматчиларнинг шу категорияси учун белгилаб қўйилган иш вақтининг ҳафталик ёки кундалик муддатига риоя қилиш мумкин бўлмаган айрим ишлаб чиқариш, цех, участка, бўлинмаларда ва баъзи бир иш турларида касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб, иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни жорий қилишга йўл қўйилади, лекин ҳисобга олинган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган бўлиши шарт (53 ва 54-моддалар).

БЕШИНЧИ БОБ

ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

70-модда. Дам олиш ва овқатланиш учун танаффус

Ишчи ва хизматчиларга дам олиш ва овқатланиш учун кўпи билан икки соат танаффус берилади. Бу танаффус иш вақтига кирмайди.

Танаффус, одатда, иш бошлангандан кейин узоғи билан тўрт соатдан кейин берилади. Танаффус муддати ва уни бериш вақти ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Ишчи ва хизматчи танаффусдан ўз ихтиёрига кўра фойдаланади ва бу вақт ичида иш жойидан чиқиб кетиши мумкин.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда ишчи ва хизматчиларга иш вақти давомида овқатланиб олиш учун имконият берилиши лозим. Бундай ишларнинг рўйхатини, овқатланиш тартиби ва жойини маъмурият касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб белгилайди.

71-модда. Дам олиш кунлари

Беш кунлик иш ҳафтаси шароитида ишчи ва хизматчиларга ҳафтада икки дам олиш куни берилади, олти кунлик иш ҳафтаси шароитида эса бир дам олиш куни берилади.

Умумий дам олиш куни якшанбадир. Беш кунлик иш ҳафтасида иккинчи дам олиш куни, агар қонунларда белгиланмаган бўлса, корхона, муассаса, ташкилотнинг иш графиги билан белгиланади. Одатда ҳар икки дам олиш куни кетма-кет берилади.

72-модда. Ҳафталик узлуксиз дам олиш

Ҳафталик узлуксиз дам олиш муддати 42 соатдан кам бўлмаслиги керак.

73-модда. Аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишларда дам олиш кунлари

Аҳолига хизмат қилиш зарурати сабабли умумий дам олиш кунларида тўхтатиб бўлмайдиган ишларда (магазинлар, театрлар, музейлар ва ҳоказоларда) дам олиш кунлари ҳафтанинг меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари томонидан белгиланган бошқа кунида берилади.

74-модда. Тўхтатиб бўлмайдиган ишларда дам олиш кунлари

Ишлаб чиқариш техника шароитларига кўра ишни тўхтатиб бўлмайдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек узлуксиз ишлайдиган бошқа корхоналарда дам олиш кунлари ҳар бир группа ишчи ва хизматчиларга маъмурият томонидан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб тасдиқланадиган ишга чиқиш (смена) графигига мувофиқ ҳафтанинг турли кунларида навбатма-навбат берилади.

75-модда. Дам олиш кунларида ишга жалб қилишнинг алоҳида ҳоллари

Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади.

Шу кунларда айрим ишчи ва хизматчиларни ишга жалб қилишга касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг рухсати билан ва фақат қуйидаги алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

1) ижтимоий ёки табиий офатнинг, ишлаб чиқариш авариясининг олдини олиш ёки тугатиш ёхуд уларнинг оқибатларини дарҳол бартараф қилиш учун;

2) бахтсиз ҳодисаларнинг, давлат ёки жамоат мулки нобуд бўлиши ёки бузилишининг олдини олиш учун;

3) умуман корхона, муассаса, ташкилотнинг ёки уларнинг айрим бўлимларининг бундан буён нормал ишлаши учун зарур бўлган ва тўхтатиб қўйиб бўлмайдиган, илгаридан кўзда тутилмаган ишларни тезда бажариш учун;

Ишчи ва хизматчиларни дам олиш кунларида ишга жалб қилиш ушбу Кодекснинг 68-моддасида белгиланган чеклашларни эътиборга олиб, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ёзма буйруғи (фармойиши) билан амалга оширилади.

76-модда. Дам олиш кунларидаги иш учун компенсациялар

Дам олиш кунида қилинган иш учун яқин икки ҳафта ичида бошқа дам олиш куни берилади.

Бошқа дам олиш кунини бериш (ишчи, хизматчи ишдан бўшатилиши сабабли ва қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда) имкони бўлмаса, дам олиш кунида бажарилган ишга икки баравар миқдорда ҳақ тўланади. Дам олиш кунида бажарилган иш учун ҳақ ушбу Кодекснинг 110-моддасида белгиланган тартибда тўланади.

77-модда. Байрам кунлари

Корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда қуйидаги байрам кунларида ишланмайди:

1 январда — Янги йил куни;

8 мартда — Халқаро хотин-қизлар куни;

1 ва 2 майда — Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни;

9 майда — Ғалаба куни;

7 ва 8 ноябрда — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йиллиги куни;

5 декабрда — СССР Конституцияси куни.

78-модда. Байрам кунларида ишга жалб қилишнинг алоҳида ҳоллари

Ишлаб чиқариш-техника шароитига кўра (узлуксиз ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилотларда) ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмайдиган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати лозим бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган ремонт ва юк ортиш, юк тушириш ишларида байрам кунларида ишлашга йўл қўйилади.

79-модда. Йиллик отпускалар

Барча ишчи ва хизматчиларга иш жойи (вазифаси) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йил отпуска бериб турилади. (80, 81, 82 ва 83-моддалар).

80-модда. Отпуска муддати

Ишчи ва хизматчиларга ҳар йили камида 15 иш кунига тенг муддат билан отпуска берилади, муддати кўпроқ бўлган отпуска беришга аста секин ўтилади. Йиллик отпуска муддатини ҳисоблаш тартиби ССР Иттифоқи қонунлари билан белгиланади.

81-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга бериладиган отпуска муддати

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга ҳар йили бир календарь ой муддат билан отпуска берилади.

82-модда. Қўшимча отпускалар

Ҳар йилги қўшимча отпускалар;

1) меҳнат шароити зарарли ишларда ишлаб турган ишчи ва хизматчиларга;

2) халқ хўжалигининг айрим тармоқларида ишлаб турган ва бир корхонада, ташкилотда узоқ муддатли меҳнат стажига эга бўлган ишчи ва хизматчиларга;

3) иш куни нормаланмаган ходимларга;

4) Узоқ Шимол районларида ва шу районларга тенглаштирилган жойларда ишлаб турган ишчи ва хизматчиларга;

5) қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

83-модда. Давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун мукофот тарзида бериладиган қўшимча отпускалар

Давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун мукофот тарзида бериладиган қўшимча отпускалар вояга етмаганларнинг жамоат тарбиячиларига, жамоат тартибини сақловчи кўнгилли халқ дружинаси аъзоларига, кўнгилли ўт ўчириш дружиналари аъзоларига уларнинг иш жойидан берилиши, бошқа ҳолларда эса — ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

84-модда. Отпуска бериш навбати

Отпуска бериш навбатини маъмурият касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб белгилайди.

Отпускалар бутун йил давомида исталган вақтда берилади. Бунда ишчи ва хизматчиларнинг истаклари ҳамда корхона, муассаса, ташкилотнинг нормал ишини таъминлаш манфаатлари ҳисобга олинади.

Отпускалар бериш графиги календарь йил бошланишидан кечиктирилмай тасдиқланади.

85-модда. Отпускани пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмаслиги

Отпускадан фойдаланмаган ишчи ёки хизматчи ишдан бўшаган ҳоллардан ташқари, отпускани пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

86-модда. Отпуска бериш тартиби

Ишчи ва хизматчиларга ишнинг биринчи йилида отпуска шу корхона, муассаса, ташкилотда узлуксиз ўн бир ой ишлагандан кейин берилади.

Ходимнинг илтимосига кўра, отпуска узлуксиз ўн бир ой ишламасдан олдин қуйидагиларга берилиши мумкин:

1) аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш отпускаси олдидан ёки бевосита ундан кейин (193-модда):

2) ўн саккиз ёшга етмаган ишчи ва хизматчиларга (207-модда);

3) запасга бўшатилган ва ташкилий тартибда ишга юборилган ҳарбий хизматчиларга — уч ой ишлагандан кейин;

4) қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

Бир корхона, муассаса, ташкилотдан бошқа корхона, муассаса, ташкилотга кўчирилган ишчи ва хизматчиларга улар кўчирилгандан сўнг ўн бир ой ишламасиданоқ отпуска берилиши мумкин. Агар кўчирилишидан илгари бир корхонада, муассаса, ташкилотда ўн бир ой ишламаган бўлса, ходимга отпуска у кўчирилишидан аввал ва кейин жами бўлиб ўн бир ой ишлагач берилиши мумкин.

Иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун отпуска иш йилининг исталган вақтида, отпуска бериш навбатларига мувофиқ берилиши мумкин (84-модда).

87-модда. Отпуска олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажи

Отпуска олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда ишлаган вақт;

2) ишчи ёки хизматчи ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (вазифаси) ва иш ҳақи тўлиқ ёки қисман сақланган бўлса (шу жумладан, ишдан нотўғри бўшатилганлиги ёки бошқа ишга нотўғри кўчирилганлиги натижасида қилинган мажбурий прогулнинг ҳақ тўланган вақти, башарти у ўз ишига қайта тикланган бўлса);

3) ишчи ёки хизматчи ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин иш жойи (вазифаси) сақланган ва давлат социал страхованиеси йўли билан нафақа тўланган вақт;

4) қонунларда кўзда тутилган бошқа даврлар.

88-модда. Йиллик отпускани кўчиришни тақиқлаш

Йиллик отпускани маъмурият томонидан келаси йилга кўчириш, одатда, тақиқланади.

Жорий йилда ишлаб чиқариш характери сабабларига кўра ишчи ёки хизматчига отпуска бериш мумкин бўлмай қолса, алоҳида ҳоллардагина, отпускани ходимнинг розилиги билан ва касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб, келгуси йилга кўчириш мумкин. Кўчирилган отпуска келаси йилги отпускага қўшиб берилиши мумкин.

Икки йилликдан кўп отпускани бирга қўшиб беришга йўл қўйилмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек зарарли меҳнат шароитларида ишлаётганларга бериладиган қўшимча отпускаларнинг икки йиллигини қўшиш тақиқланади.

89-модда. Отпускани узайтириш

Йиллик ёки қўшимча отпускалар даврида ишчи ёки хизматчи меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ёки давлат ё жамоат вазифаларини бажаришга жалб қилинган тақдирда, шунингдек қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда отпуска узайтирилиши ёки бошқа вақтга кўчирилиши лозим.

90-модда. Иш ҳақи сақланмаган ҳолда отпуска бериш

Оилавий ва бошқа узрли сабабларга кўра, ишчи ёки хизматчининг аризасига биноан, маъмурият унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли отпуска бериши мумкин.

ОЛТИНЧИ БОБ

ИШ ҲАҚИ

91-модда. Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш

СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига биноан ишчи ва хизматчилар меҳнатига шу меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланади. Жинси, ёши, ирқи ва миллатига қараб меҳнат ҳақини миқдорини бирон-бир тарзда камайтириш тақиқланади.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИ

(Боши 1 ва 2-бетларда).

92-модда. Иш ҳақининг минимал миқдори

Ишчи ёки хизматчининг ойлик иш ҳақи давлат белгилаб қўйган минимал миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

93-модда. Иш ҳақини нормалаш

Иш ҳақини нормалашни давлат касаба союзлари иштирокида амалга оширади.

94-модда. Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш

Ишчиларнинг меҳнатига марказлаштирилган тартибда тасдиқланган тариф ставкаси (маош) асосида ҳақ тўланади.

Бажариладиган ишларнинг қайси тариф разрядига тўғри келишини ва ишчиларнинг малака разрядларини корхона, ташкилот маъмурияти касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб, тариф-малака справочнигига мувофиқ белгилайди.

95-модда. Хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш

Хизматчилар меҳнатига марказлаштирилган тартибда тасдиқланган мансаблар учун белгиланган маош схемалари асосида ҳақ тўланади.

Хизматчиларнинг мансаб маошини корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ходимнинг вазифаси ва малакасига мувофиқ равишда белгилайди.

96-модда. Меҳнатга оширилган миқдорда ҳақ тўлаш

Оғир ишларда, меҳнат шароитлари зарарли бўлган ишларда ва иқлим шароитлари оғир жойлардаги ишларда меҳнатга оширилган миқдорда ҳақ тўланади.

97-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш системалари

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатига вақтбай ёки ишбай ҳақ тўланади.

Ишбай ҳақ тўлаш якка ёки коллектив формада бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажаришдан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рентабеллигини оширишдан, меҳнат унумдорлигини ўстиришдан, маҳсулот сифатини яхшилашдан ва ресурсларни тежашдан ишчи ва хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтирмоқ учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофотли ва ишбай-мукофотли системалари жорий этилиши мумкин.

98-модда. Меҳнатга вақтбай ёки ишбай ҳақ тўлаш системасини белгилаш, ишчи ва хизматчиларни мукофотлаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тартиби

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ёки ишбай системаларини белгилашни, шунингдек ишчи ва хизматчиларни мукофотлаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлашни корхона, ташкилот маъмурияти касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб амалга оширади.

99-модда. Йиллик иш якунларига қараб ишчи ва хизматчиларга бериладиган мукофотлар

Меҳнатга ҳақ тўлаш системаларига қўшимча равишда йиллик иш якунлари юзасидан корхона ва ташкилот ишчилари ва хизматчиларига корхона, ташкилот олган фойда ҳисобидан вужудга келтириладиган фонддан мукофот пули тўланиши мумкин. Мукофот миқдори ишчи ёки хизматчининг меҳнат натижаларини ва корхона, ташкилотдаги узлуксиз меҳнат стажининг оз-кўплигини ҳисобга олиб белгиланади.

Йиллик иш якунларига қараб мукофотлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низом корхона, ташкилот маъмурияти томонидан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб тасдиқланади.

100-модда. Ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан ишчи ва хизматчиларга моддий-маиший ва маданий хизмат кўрсатиш

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақидан ташқари ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан давлат социал страхованиеси нафақалари ва пенсиялар тўланади, санаторийлар, дам олиш уйлари ва туристик базаларга путёвкалар берилади, бепул медицина ёрдами кўрсатилади ва бепул таълим берилади, бошқа ҳақлар тўланади ҳамда имтиёзлар берилади. Ана шу фонд маблағлари уй-жой, мактаблар, маданий-маиший ва медицина муассасалари қуришга, ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларини яхшилашга, шунингдек болаларни мактабгача тарбия муассасаларида тарбиялаш ишларига ҳам сарф қилинади.

101-модда. Ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари), хизмат кўрсатиш нормалари ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг сон нормативлари

Ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари), хизмат кўрсатиш нормалари ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг сон нормативлари техниканинг, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий ташкил этишнинг ва илғор иш тажрибасининг эришилган даражаси ҳисобга олиниб белгиланади. Меҳнат унумдорлигини оширишни таъминловчи техникавий, хўжалик ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этиб борилган сари ана шу нормалар ва нормативлар янгилари билан алмаштирилиши лозим.

102-модда. Ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари), хизмат кўрсатиш нормалари ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг сон нормативларини жорий этиш ва қайта кўриб чиқиш

Ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари), хизмат кўрсатиш нормалари ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг сон нормативларини корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб жорий этади ва қайта кўриб чиқади.

Бир хилдаги ишлар учун ягона ёки типовой (тармоқлараро, тармоқлар бўйича, идоралар бўйича) нормалар ва нормативлар белгиланиши мумкин.

103-модда. Ишлаб чиқариш нормаларини (вақт нормаларини) ва хизмат кўрсатиш нормаларини белгилашда ҳисобга олиниши лозим бўлган нормал меҳнат шароитлари

Ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари) ва хизмат кўрсатиш нормалари қуйидаги нормал меҳнат шароитларини эътиборга олиб белгиланади:

1) машина, станок ва мосламаларнинг тузук ҳолатда бўлиши;

2) техника ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминлаш;

3) ишни бажариш учун зарур бўлган материал ва асбоб-ускуналарнинг тегишли даражада сифатли бўлиши ва уларни ўз вақтида етказиб бериш;

4) ишлаб чиқаришни электр қуввати, газ ва бошқа қувват берувчи манбалар билан ўз вақтида таъминлаш;

5) соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари (хавфсизлик техникаси қоидалари ва нормаларига риоя қилиш, ёритиш, иситиш, вентиляциянинг зарур миқдорда бўлиши, ходимлар соғлиғига салбий жиҳатдан таъсир қилувчи шовқин, нурланиш, тебраниш ва бошқа факторларнинг олдини олиш ва ҳоказолар).

104-модда. Меҳнатга ишбай ҳақ тўланганда баҳоларни белгилаш

Меҳнатга ишбай ҳақ тўланган тақдирда, баҳолар белгиланган иш разрядига, тариф ставкаси (маош)-га ва ишлаб чиқариш нормаси (вақт нормаси)га қараб белгиланади.

Ишбай баҳо бажарилаётган иш разрядига мувофиқ бўлган соатлик (кунлик) тариф ставкасини соатлик (кунлик) ишлаб чиқариш нормасига тақсим қилиш йўли билан белгиланади. Ишбай баҳо бажарилаётган иш разрядига мувофиқ бўлган соатлик ёки кунлик тариф ставкасини соат ёки кун билан ҳисобланадиган вақт нормасига кўпайтириш йўли билан ҳам белгиланиши мумкин.

105-модда. Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлашда хизмат кўрсатиш нормалари ҳамда ишчи ва хизматчилар сони нормативларини белгилаш

Ишчи ва хизматчилар меҳнатига вақтбай ҳақ тўланган тақдирда, уларга бириктиб қўйилган станоклар, агрегатларга хизмат кўрсатиш нормалари ёки муайян вақт ичидаги давр учун нормаланган ишлаб чиқариш топшириқлари белгиланади. Айрим вазифаларни ёки айрим ишлар ҳажмини бажариш учун ишчи ва хизматчилар сонининг нормативлари белгиланиши мумкин.

106-модда. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари жорий қилингани ёки улар ўзгартирилгани ҳақида ишчи ва хизматчиларни хабардор қилиш

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари жорий қилингани ёки улар ўзгартирилгани ҳақида ишчи ва хизматчилар улар жорий қилинганидан ёки ўзгартирилганидан камида икки ҳафта олдин хабардор қилинишлари лозим.

107-модда. Ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари), хизмат кўрсатиш нормалари, ишчи ва хизматчиларнинг сон нормативларини жорий қилиш ва қайта кўриб чиқишда вужудга келадиган ихтилофларни ҳал қилиш

Ишлаб чиқариш нормалари (вақт нормалари), хизмат кўрсатиш нормалари, ишчи ва хизматчиларнинг сон нормативларини жорий қилиш ва қайта кўриб чиқиш вақтида касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ўртасида вужудга келадиган ихтилофлар тарафлар иштирокида уларнинг юқори органлари томонидан биргаликда ҳал қилинади.

108-модда. Иш вақтидан ортиқ ишлаганлик учун ҳақ тўлаш

Иш вақтидан ортиқ ишлаганлик учун оширилган миқдорда ҳақ тўланади (66-модда).

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўланадиган бўлса, иш вақтидан ташқари вақтда бажарилган ишнинг дастлабки икки соати учун бир ярим баробар миқдорда, кейинги соатлари учун эса икки баробар миқдорда ҳақ тўланади.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўланадиган, шунингдек ишбай ишловчи ишчилар учун ҳам, вақтбай ишловчи ишчилар учун ҳам ягона тариф ставкалари белгилаб қўйилган халқ хўжалиги тармоқларида иш вақтидан ортиқ ишлаганлик учун ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ меҳнатга ишбай ҳақ тўлаганда иш вақтидан ортиқ бажарилган ишнинг дастлабки икки соати учун тегишли разряддаги вақтбай ишчи тариф ставкасининг эллик проценти миқдорида ва кейинги соатлари учун тариф ставкасининг юз проценти миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Иш вақтидан ортиқ ишлаганлик учун отгул беришга йўл қўйилмайди.

109-модда. Байрам кунларида ишлаганлик учун ҳақ тўлаш

Байрам кунларида (78-модда) ишлаганлик учун икки баробар миқдорда қуйидаги тартибда ҳақ тўланади:

1) ишбай ишчиларга — ишбай баҳоларнинг икки ҳиссаси миқдорида;

2) меҳнатларига соатлик ёки кунлик ставкалар бўйича ҳақ тўланадиган ходимларга — соатлик ёки кунлик ставканинг икки ҳиссаси миқдорида;

3) ойлик маош оладиган ходимларга, — агар байрам кунидаги иш ойлик иш вақти нормаси доирасида қилинган бўлса, маошдан ташқари соатлик ёки кунлик ставканинг бир ҳиссаси миқдорида, агар иш ойлик нормадан ортиқча қилинган бўлса, маошдан ташқари соатлик ёки кунлик ставканинг икки ҳиссаси миқдорида.

Байрам кунида ишлаган ишчи ёки хизматчининг хоҳиши билан унга бошқа дам олиш куни берилиши мумкин.

110-модда. Тунги вақтда ишлаганлик учун ҳақ тўлаш

Тунги вақтда ишлаганлик учун (59-модда) ССР Иттифоқи қонунларида белгиланадиган миқдорда оширилган ҳақ тўланади.

111-модда. Ишлаб чиқариш нормаси бажарилмаганда меҳнатга ҳақ тўлаш

Ишчи ёки хизматчининг айбисиз ишлаб чиқариш нормаси бажарилмаганда меҳнатга тариф ставкасининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Бундай ҳолларда ойлик иш ҳақи белгилаб қўйилган минимал миқдордан кам бўлиши мумкин эмас (92-модда).

Ходимнинг айби билан ишлаб чиқариш нормаси бажарилмаган тақдирда, у ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сони ва сифатига қараб меҳнатга ҳақ тўланади.

112-модда. Яроқсиз маҳсулот тайёрланганда ҳақ тўлаш

Тайёрланган маҳсулот ходимнинг айби бўлмагани ҳолда яроқсиз деб топилса, бутунлай яроқсиз маҳсулот учун тегишли разряддаги вақтбай ишчи тариф ставкасининг учдан икки қисми миқдорида ҳақ тўланади. Қисман яроқсиз маҳсулот учун унинг яроқлилик даражасига қараб, лекин кўрсатилган тариф ставкасининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Бундай ҳолларда ойлик иш ҳақи белгилаб қўйилган минимал миқдордан кам бўлиши мумкин эмас (92-модда).

Ишчи ёки хизматчининг айби билан бутунлай яроқсиз тайёрланган маҳсулот учун ҳақ тўланмайди. Ишчи ёки хизматчининг айби билан қисман яроқсиз тайёрланган маҳсулот учун унинг яроқлилик даражасига қараб оз миқдорда ҳақ тўланади.

Ишлов берилаётган металлдаги нуқсон (металл сифатининг номувофиқлиги, металлдаги пачоқлик ёки дарз) туфайли деталларни ишлаш ёки йиғиш учун камида бир иш куни сарфлангандан кейин маҳсулот яроқсиз деб топилса, нормал ишбай баҳоларга асосан ҳақ тўланади.

Ходимнинг айби билан яроқсиз тайёрланган маҳсулот техника контроли органи томонидан қабул қилинган бўлса, бундай маҳсулот учун яроқли маҳсулотлар билан бир қаторда ҳақ тўланади.

Янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш (деталлар, станоклар, машиналар, моторлар, трансформаторлар, турбиналар ва ҳоказоларни ишлатиш) даврида ходимнинг айби бўлмагани ҳолда тайёрланган ва яроқсиз деб топилган маҳсулот учун янги корхоналарда ҳам, шунингдек ишлаб турган корхоналарда ҳам тегишли разряддаги вақтбай ходимнинг тариф ставкаси асосида ҳақ тўланади.

113-модда. Бекор қолинган вақт учун ҳақ тўлаш

ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун тегишли малакадаги вақтбай ходим тариф ставкасининг ярми миқдорида иш ҳақи тўланади; металлургия, кон-руда ва кокс саноати бундан мустасно бўлиб, уларда ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун тариф ставкасининг учдан икки қисми миқдорида ҳақ тўланади. Бундай ҳолларда ойлик иш ҳақи белгилаб қўйилган минимал миқдордан кам бўлиши мумкин эмас (92-модда).

Ходимнинг айби билан бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди.

Янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш (деталлар, станоклар, машиналар, моторлар, трансформаторлар, турбиналар ва ҳоказоларни ишлатиш) даврида ходимнинг айби бўлмагани ҳолда бекор туриб қолинган вақт учун янги корхоналарда ҳам, шунингдек ишлаб турган корхоналарда ҳам тегишли разряддаги вақтбай ходимнинг тариф ставкаси асосида ҳақ тўланади.

Ишбай ишчилар учун ҳам, вақтбай ишчилар учун ҳам бир хил тариф ставкалари белгиланган халқ хўжалиги тармоқларида ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ белгиланади.

114-модда. Турли малакага доир ишларни бажарганда ҳақ тўлаш

Турли малакага доир ишларни бажарганда вақтбай ишчи ва хизматчининг меҳнатига юқори малакага оид иш учун белгиланган ҳақ тўланади.

Ишбай ишчилар меҳнатига бажарилаётган иш баҳоларига қараб ҳақ тўланади. Ишлаб чиқариш характерига кўра ишбай ишчиларга ўзларига берилган разряддан пастроқ разряддаги ишларни бажариш топшириладиган халқ хўжалиги тармоқларида бундай ишларни бажараётган ишчиларга ўз разрядлари билан бажарилган иш разряди ўртасидаги фарқ тўланиши мумкин. Разрядлар ўртасидаги фарқнинг миқдори ва уни тўлаш шартлари коллектив шартномаларда белгиланади.

115-модда. Бир неча касбни бажарганда ва бир неча станокда ишлаганда ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш

Бир неча касбни бажарганда ва бир неча станокда ишлаганда меҳнатга ССР Иттифоқи қонунларида белгиланадиган миқдорда оширилган ҳақ тўланади.

116-модда. Кам ҳақ тўланадиган бошқа доимий ишга ўтказилган тақдирда иш ҳақининг сақланиб қолиши

Ишчи ёки хизматчи кам ҳақ тўланадиган бошқа доимий ишга ўтказилган тақдирда шу ишга ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимнинг аввалги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

117-модда. Иш ҳақини тўлаш муддатлари

Иш ҳақи камида ҳар ярим ойда бир марта тўланади.

Қишлоқ жойлардаги мактаб ўқитувчиларига ва СССР Давлат банки муассасаларидан узоқликда жойлашган меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг бюджетдан таъминланадиган муассасалари ходимларига, шунингдек бошқа категориядаги ходимларга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланадиган ҳолларда иш ҳақи ҳар ойда бир марта тўланади.

Иш ҳақи тўлаш куни дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келиб қолган тақдирда, иш ҳақи ана шу кунлар арафасида тўланади.

118-модда. Отпуска берилаётганда иш ҳақини тўлаш муддатлари

Ишчи ва хизматчиларга отпуска берилаётганда отпускагача бўлган вақт ва отпуска даври учун иш ҳақи отпуска бошланадиган кундан кечиктирмай тўланади.

119-модда. Иш ҳақи тўлаш жойи

Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи, одатда, улар ишлаётган жойда тўланади.

120-модда. Ҳисоб-китоб дафтарчалари

Ҳамма ишчиларга, шунингдек меҳнатларига ишбай ҳақ тўланадиган хизматчиларга улар ишга қабул қилинганларидан кейин узоғи билан беш кунда кечиктирмай корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ҳисоб-китоб дафтарчалари бериши керак: бу дафтарчаларга меҳнат шароитлари ва ҳисобланган иш ҳақи ёзиб борилади.

121-модда. Ҳисоб-китоб қилиш ва меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилган вақт учун ҳақ тўлаш

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишдан бўшатилган ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаган ва у билан ҳисоб-китобни кечиктирган тақдирда (50 ва 51-моддалар), башарти ишдан бўшатилган ходимга тегадиган сумманинг миқдори ҳақида низо бўлмаса, маъмурият ана шу кечиктирилган вақт учун ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган ёки меҳнат дафтарчаси берилган кунгача иш ҳақи тўлаши шарт.

Ишдан бўшатилган ходимга тегадиган сумманинг миқдори ҳақида низо келиб чиқса, кечиктирилган вақт учун иш ҳақи бу низо ходим фойдасига ҳал бўлган тақдирдагина тўланади.

Низо ходимнинг фойдасига тўла ҳал қилинмай, балки қисман ҳал қилинса, кечиктирилган вақт учун тўланадиган ҳақнинг миқдори шу низони ҳал қилган орган томонидан белгиланади.

Агар ишдан бўшатилган ходим узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш ва меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилган вақт ичида бошқа ишга кирган бўлса, у ҳолда кечиктирилган вақт учун тўланадиган иш ҳақи янги иш жойидан олган маоши миқдорига камайтирилади.

122-модда. Иш ҳақидан ушлаб қолишни чеклаш

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Ҳар сафар иш ҳақи тўлаш пайтида ушлаб қолинадиган пулнинг умумий миқдори ишчи ёки хизматчига тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг йигирма процентидан, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, — эллик процентидан ошмаслиги керак.

Иш ҳақидан бир неча ижро ҳужжатлари бўйича ушлаб қолинганда ҳам, ҳар ҳолда ишчи ёки хизматчига тегишли иш ҳақининг эллик проценти сақланиб қолиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган чеклашлар ахлоқ тузатиш ишлари ўталаётганда иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳолларига жорий этилмайди.

Ишдан бўшатиш нафақасидан, компенсация пулидан ва қонунларга биноан ҳақ ундириб олинмайдиган бошқа тўловлардан ушлаб қолишга йўл қўйилмайди.

123-модда. Ишчи ёки хизматчининг ўзи ишлаб турган корхона, муассаса, ташкилот олдидаги қарзини ундириш учун унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишчи ёки хизматчининг иш ҳақидан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолиши мумкин:

1) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат командировкаларига ёки бошқа жойда ишлашга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун.

Бундай ҳолларда маъмурият авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёки ҳақ тўлаш нотўғри ҳисобланган кундан бошлаб камида бир ой ўтмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш бериш ҳуқуқига эгадир.

Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжлари учун, хизмат командировкаси учун ёки бошқа жойдаги ишга ўтиши муносабати билан берилган авансннг ушлаб қолинишини ёки унинг миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд йўли билан ундирилади;

2) ишчи ёки хизматчи иш йили тамом бўлмасдан олдин ишдан бўшатилса ва у шу йилги отпускадан фойдаланган бўлса, ишлаб адо этилмаган отпуска кунлари учун. Ходим ушбу Кодекс 36-моддасининг 3, 5, 6 бандларида ва 41-моддасининг 1, 2.5 бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишга юборилгани ёхуд пенсияга чиққани ёки юқори давлат ёхуд хўжалик органи фармойиши билан ёинки корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларининг ўзаро келишувига кўра ёки партия, касаба союзи ёки комсомол органларининг қарорига (таклифига) мувофиқ бошқа ишга ўтказилиши сабабли ишдан бўшатилган тақдирда, бу кунлар учун иш ҳақидан ушлаб қолинмайди;

3) ишчи ёки хизматчининг айби билан корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарарни ундириш учун, башарти иш ҳақидан ушлаб қолишга ходимнинг ёзма розилиги бўлса (144- модда).

ЕТТИНЧИ БОБ

ГАРАНТИЯЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

124-модда. Сайлаб қўйиладиган вазифаларга сайланган ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Давлат органларидаги, шунингдек партия, касаба союзи, комсомол, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларидаги сайлаб қўйиладиган вазифаларга сайланганликлари сабабли ишдан озод қилинган ишчи ва хизматчиларга сайлаб қўйилган вазифа бўйича ваколатлари тамом бўлганидан кейин илгариги ишлари (вазифалари) қайтариб берилади, бундай ишлар (вазифалар) бўлмаган тақдирда, — ўша корхона, муассаса, ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа корхона, муассаса, ташкилотда аввалгисидан кам ҳақ тўланмайдиган бошқа иш (вазифа) берилади.

125-модда. Давлат ёки жамоат бурчларини бажараётган вақтларида ишчи ва хизматчиларга бериладиган гарантиялар

Ишчи ва хизматчиларга давлат ёки жамоат бурчларини бажараётган вақтларида, башарти шу бурчлар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларига кўра иш вақтида бажарилиши мумкин бўлса, уларнинг иш жойлари (вазифалари) ва ўртача иш ҳақлари сақланиши гарантияланади.

126-модда. Сайлов ҳуқуқини амалга ошираётганда ишчи ва хизматчиларга бериладиган гарантиялар

Ишчи ва хизматчилар сайлов ҳуқуқини иш вақтида амалга оширганларида уларнинг иш жойларида ўртача иш ҳақининг сақланиши гарантияланади.

127-модда. Депутатлик бурчларини бажараётган ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари сессияларида депутат сифатида иштирок этаётган, қонунларда белгиланган ҳолларда эса — иш вақтида депутатликнинг бошқа бурчларини бажараётган ишчи ва хизматчиларга ўртача иш ҳақининг сақланиши гарантияланади.

128-модда. Съезд ва конференцияларда иштирок этган ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Давлат, партия, касаба союзи, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан чақириладиган съездлар, пленумлар, конференциялар иш вақтида бўлган ҳолда, ишчи ва хизматчиларга уларда делегат сифатида иштирок этган вақтлари учун иш жойларида ўртача иш ҳақининг сақланиши гарантияланади.

129-модда. Пенсия тайинлаш комиссияси ва врач-меҳнат эксперт комиссияси ишида қатнашган вақт учун ишчи ва хизматчиларга бериладиган гарантиялар

Меҳнаткашлар депутатлари район (шаҳар) Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги пенсия тайинлаш комиссияси аъзолари сифатида ёки врач-меҳнат эксперт комиссия (ВТЭК) аъзолари сифатида касаба союзи ташкилотлари томонидан юборилган ишчи ва хизматчиларнинг бу комиссиялар ишида қатнашган вақтлари учун иш жойларидаги иш ҳақлари сақланиб қолади.

Пенсия тайинлаш комиссияси чақириғига биноан меҳнат стажи ҳақида гувоҳлик беришга кетган вақт учун ҳам иш жойидаги иш ҳақи сақланиб қолади.

130-модда. Донорлик қиладиган ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти текширувдан ўтиш ва бошқаларга қуйиш учун қон бериш кунида ишчи ва хизматчиларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига боришларига монелик кўрсатмай рухсат бериши ва ўртача иш ҳақини сақлаши лозим.

Донорлик қилувчи ишчи ва хизматчиларга ҳар сафар қуйиш учун қон берган кунларининг эртасигаёқ ўртача иш ҳақлари сақланган ҳолда бир дам олиш куни берилади. Ходимнинг истагига кўра бу дам олиш куни отпускага қўшиб берилиши мумкин.

131-модда. Ёнғинни ўчиришда кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолари сифатида қатнашган ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Ёнғинни ўчиришда кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолари сифатида қатнашган ишчи ва хизматчилар учун, агар ёнғинни ўчириш ишлари иш вақтига тўғри келса, бунга сарф қилинган ҳамма вақт учун ўртача иш ҳақлари сақланиб қолади.

132-модда. Суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки чақирилган ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга гувоҳ, жабрлачувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, шунингдек суд мажлисларида халқ маслаҳатчилари, жамоат қораловчилари ва жамоат ҳимоячилари, жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари сифатида иштирок этган ишчи ва хизматчиларнинг бу бурчларни ўз вақтида бажарганлари тақдирда, бутун ана шу вақт учун иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари сақланиб қолади.

133-модда. Ҳарбий бурчларини бажаришлари муносабати билан ишчи ва хизматчиларга бериладиган гарантиялар

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги СССР Қонунида кўзда тутилган бурчларни бажаришга жалб қилинган ишчи ва хизматчиларга шу Қонунга мувофиқ гарантиялар ва имтиёзлар берилади.

134-модда. Ихтирочи ва рационализатор ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Ихтиро ёки рационализаторлик таклифлари бу ихтиро ва рационализаторлик таклифларининг авторлари бўлган ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхона, ташкилотда жорий қилинаётганда, таклиф автори бу ишларда қатнашиш учун асосий ишидан озод этилган ҳолда, унинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ихтиро ёки рационализаторлик таклифи бошқа корхона, ташкилотда жорий қилинаётганда ишчи ва хизматчиларнинг доимий иш жойидаги вазифаси сақланади. Ихтиро ёки рационализаторлик таклифини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ишлар учун тарафларнинг битимига биноан доимий иш жойидаги иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Техника нормалари ва баҳоларини ўзгартиришга оид ихтиро ёки рационализаторлик таклифи киритган ишчи ва хизматчига нисбатан илгариги баҳолар янги норма ва баҳолар жорий этилган вақтдан бошлаб олти ой давомида сақланиб қолади. Таклифни жорий қилишда ихтирочи ёки рационализаторга кўмаклашган бошқа ходимларга нисбатан илгариги баҳолар уч ой давомида сақланади.

Ихтирочи ёки рационализатор унинг жорий қилинаётган таклифига кўра норма ва баҳолари ўзгараётган ишда илгари ишламаган ва таклиф киритилгандан сўнг бу ишга қабул қилинган ёки кўчирилган ҳолларда ҳам, илгариги баҳолар сақланиб қолади.

135-модда. Малака ошириш учун юборилаётган ишчи ва хизматчиларга бериладиган гарантиялар

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малака ошириш учун юборилганда ишчи ва хизматчиларнинг иш жойи (вазифаси) сақланади ва уларга қонунларда кўрсатилган тўловлар тўланади.

136-модда. Медицина муассасаларида текширувдан ўтаётган ишчи ва хизматчилар учун гарантиялар

Медицина кўригидан албатта ўтишлари лозим бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ишга яроқлиликларини белгилаш учун стационар медицина муассасаларида текширувдан ўтиш даврида иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари сақланиб қолади.

137-модда. Командировкага юборилганда бериладиган гарантия ва компенсациялар

Ишчи ва хизматчилар хизмат командировкаси муносабати билан қилинадиган харажат пули ва бошқа компенсациялар (суткалик пул, йўл кира ҳақи ва турар-жой ижараси ҳақи) олишга ҳақлидирлар; буларнинг миқдори ССР Иттифоқи қонунлари билан белгиланади.

Командировкага юборилган ходимларнинг иш жойи (вазифаси) ва ўртача иш ҳақи бутун командировка вақти давомида сақланиб қолади.

138-модда. Бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда ёки юборилганда тўланадиган компенсациялар

Бошқа жойдаги ишга қабул қилинганликлари муносабати билан ишчи ва хизматчиларга СССР қонунларида белгиланадиган миқдорда:

1) ходимнинг ўзи ва оила аъзоларига йўл кира ҳақи;

2) мол-мулкини кўчириб кетиш учун кира ҳақи;

3) йўлда бўлганлик учун суткалик пул тўланади.

Ходимнинг ўзига ва унинг оила аъзоларига бир йўла бериладиган нафақа, шунингдек ишга киришгунча кетадиган вақт учун тўланадиган иш ҳақи, ходим билан корхона, муассаса, ташкилот ўртасидаги келишувга биноан, тўла ёки қисман тўланиши мумкин.

Ўқув юртларини тамомлагандан кейин ишга юбориладиган ёш ишчилар ва мутахассисларга, шунингдек ташкилий тартибда ишга қабул қилинган ишчиларга бошқа жойга кўчиб бориш учун тўланадиган компенсациялар ССР Иттифоқи қонунларида белгиланади.

139-модда. Бошқа жойдаги ишга кўчирилганда тўланадиган компенсациялар

Ўз илтимосидан ташқари ҳамма ҳолларда бошқа жойдаги ишга кўчириладиган ходимларга СССР қонунларида белгиланган миқдорда:

1) ходимнинг ўзи ва оила аъзолари янги иш жойига боришлари учун йўл кира ҳақи;

2) мол-мулкни кўчириб кетиш учун кира ҳақи;

3) йўлда бўлганлик учун суткалик пул;

4) ишчи ёки хизматчининг ўзига ва у билан бирга кўчиб кетаётган оила аъзоларининг ҳар бирига бир йўла бериладиган нафақа;

5) йўлда бўлган вақти учун иш ҳақи ҳамда йўлга отланиш ва янги жойда жойлашиб олиш учун олти кунлик иш ҳақи.

Ўз илтимосларига кўра бошқа жойдаги ишга ўтадиган ходимларга бундай компенсациялар, ходим билан корхона, муассаса, ташкилот ўртасидаги келишувга биноан, тўла ёки қисман тўланиши мумкин.

140-модда. Ишчи ва хизматчиларга тегишли асбобларнинг эскириши учун тўланадиган компенсация

Корхона, муассаса, ташкилотнинг эҳтиёжи учун ўзларига тегишли асбоблардан фойдаланадиган ишчи ва хизматчилар асбобларнинг эскириши (амортизацияси) учун компенсация олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу компенсациянинг миқдори ва тўлаш тартиби, башарти марказлаштирилган тартибда белгиланмаган бўлса, корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти билан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг келишувига биноан белгиланади.

САККИЗИНЧИ БОБ

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР КОРХОНАГА, МУАССАСАГА, ТАШКИЛОТГА ЕТКАЗГАН ЗАРАРИ УЧУН УЛАР ЗИММАСИГА МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЮКЛАНГАН ҲОЛДАГИ ГАРАНТИЯЛАР

141-модда. Ойлик тариф ставкаси (маош)нинг учдан бир қисми миқдорида чекланган моддий жавобгарлик

Меҳнат бурчларини бажараётганда корхонага, муассасага, ташкилотга етказган зарарлари учун, бунга айбли ишчи ва хизматчилар етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдорида, лекин ўз ойлик тариф ставкаси (маоши)нинг учдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда моддий жавобгар бўладилар; ушбу Кодекснинг 142, 143, ва 298-моддаларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ойлик тариф ставкасининг (маошнинг) учдан бир қисмидан ортиқ, лекин келтирилган зарарнинг тўла миқдоридан кўп бўлмаган миқдордаги жавобгарликка ССР Иттифоқи қонунларида кўрсатилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

142-модда. Ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ставкалари (маошлари)нинг учдан бир қисмидан ортиқ миқдорда чекланган моддий жавобгарлик ҳоллари

ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ ойлик тариф ставкаси (маош)нинг учдан бир қисмидан ортиқ миқдордаги чекланган моддий жавобгарлик қуйидаги ҳолларда юклатилади:

1) бепарволик натижасида материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни бузган ишчи ва хизматчиларга — келтирилган зарар миқдорида, лекин ўз ўртача ойлик иш ҳақининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

2) фойдаланиш учун бериладиган материаллар, маҳсулотлар ёки буюмлар (асбоблар, махсус кийимлар ва бошқалар)ни ҳисобга олиш ва сақлашни нотўғри ташкил қилганлиги, шунингдек бу мулкни ўғирлаш, йўқ қилиш ва бузишга қарши зарур чоралар кўрмаганлиги учун маъмурий-техника ва маъмурий-хўжалик ходимлари бўлган ишчи ва хизматчиларга — келтирилган зарар миқдорида, лекин ўзининг ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

3) мансабдор шахсларга — ушбу Кодекснинг 252-моддасида кўзда тутилган ҳоллар ва миқдорларда.

143-модда. Ишчи ва хизматчиларнинг етказган зарарлари учун тўла миқдорда моддий жавобгарлик ҳоллари

ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ, корхона, муассаса, ташкилотга зарар етказган ишчи ва хизматчиларга зарарнинг тўла миқдорида моддий жавобгарлик қуйидаги ҳолларда юклатилади:

1) ходим жиноий тартибда таъқиб қилинадиган хатти-ҳаракатлари билан зарар келтирса;

2) корхона, муассаса, ташкилотга ўз меҳнат бурчларини бажараётганда етказган зарар учун ходимнинг тўла миқдорда моддий жавобгарлиги махсус қонунлар ва қарорлар билан белгиланган бўлса;

3) агар пул ёки товар қимматликлари билан боғлиқ бўлган ва тегишли рўйхатда кўрсатилган вазифада ишлаётган ходим ҳамда корхона, муассаса, ташкилот ўртасида сақлаш ёки бошқа мақсадларда ходимга бериб қўйилган қимматликларнинг белгиланган нормадан ортиқ камомади учун ходим ўзига тўла моддий жавобгарлик олиши тўғрисида махсус ёзма шартнома бўлса;

4) зарар меҳнат бурчлари бажарилмаётган пайтда етказилган бўлса.

144-модда. Зарарни ундириш тартиби

Ходим ёзма розилик берган тақдирда, 141-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги зарар корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг фармойишига биноан иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан ундириб олинади. Маъмурият ходим етказган зарар аниқланган кундан бошлаб кўпи билан икки ҳафта мобайнида иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида фармойиш бериши мумкин. Ходимнинг ёзма розилиги бўлмаган тақдирда, зарар иш ҳақидан ушлаб қолинмайди ва зарарни ундириб олиш масаласи маъмуриятнинг аризасига биноан район (шаҳар) халқ суди томонидан кўрилади.

Бошқа ҳолларда (142, 143 ва 298-моддалар) зарар маъмуриятнинг район (шаҳар) халқ судига берган даъвоси йўли билан ундириб олинади.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИ

(Боши 1, 2, 3, 4-бетларда)

иш стажи учун — календарь ой ҳисобидан ,ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса — умумий асосларда ҳисоблаб чиқарилади.

208-модда. Ёшларни ишга ва ишлаб чиқариш таълимига қабул қилиш брони

Умумий таълим мактабларини, профессионал-техника ва техника билим юртларини битириб чиққан ёшларни, шунингдек ўн саккиз ёшга тўлмаган бошқа шахсларни ишга ва ишлаб чиқариш таълимига қабул қилиш учун барча корхона ва ташкилотларга бронь белгилаб қўйилади.

Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари умумий таълим мактабларини битириб чиққан ёшларни ишга жойлаштириш планларини тасдиқлайди ва шу планларнинг ҳамма корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан бажарилишини таъминлайди.

209-модда. Ўқув юртларини тамомлаган ёш ишчи ва мутахассисларни ихтисоси ва малакасига қараб иш билан таъминлаш

Профессионал-техника ва техника билим юртларини битириб чиққан ёш ишчилар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган ёш мутахассислар олган ихтисослари ва малакаларига қараб иш билан таъминланадилар.

210-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатишни чеклаш

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга, ишдан бўшатишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, фақат вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи район (шаҳар) комиссияси розилиги билангина йўл қўйилади. Бунда ушбу Кодекс 41-моддасининг 1, 2 ва 6-бандларида кўрсатилган асослар бўйича фақат айрим ҳоллардагина ишдан бўшатишга йўл қўйилади ва мазкур ходим албатта бошқа ишга жойлаштирилади.

211-модда. Меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилиш

Вояга етмаганларнинг ота-оналари ва васийлари, шунингдек меҳнат муҳофазаси устидан назорат қилиб турувчи органлар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агарда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган иш улар соғлиғига зарар етказадиган ёки уларга бошқача тарзда зиён қиладиган бўлса, бундай шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ИШНИ ТАЪЛИМ БИЛАН БИРГА ҚЎШИБ ОЛИБ БОРУВЧИ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

212-модда. Ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш

Ишчи ва хизматчиларнинг, айниқса ёшларнинг профессионал тайёргарлигини ва малакасини ошириш учун корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг маъмурияти шу корхона, ташкилот, муассаса ҳисобидан якка тартибда, бригада бўлиб, курс тартибида ўтказиладиган ва бошқа хил ишлаб чиқариш таълимини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш таълими меҳнат қонунларида тегишли ёшдаги, касбдаги ва ишлардаги ишчи ва хизматчилар учун белгилаб қўйилган иш вақти давомида ўтказилади.

Ишлаб чиқариш-техника курсларидаги таълим, қоида бўйича, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўтказилади.

Маъмурият таълим олувчиларни уларнинг олаётган таълимига алоқадор бўлмаган ишларга жалб этиши мумкин эмас.

213-модда. Меҳнат қонунларининг ишлаб чиқариш таълимини ўтаётган ишчи ва хизматчиларга жорий этилиши

Бевосита корхона, муассаса ташкилотнинг ўзида ишлаб чиқариш таълимини ўтаётган ишчи ва хизматчиларга меҳнат қонунлари тўла жорий этилади.

214-модда. Ишлаб туриб ўқиётган ишчи ва хизматчиларга зарур шароитлар яратиб бериш

Ишлаб чиқариш таълимини ўтаётган ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида ўқиётган ишчи ва хизматчиларга маъмурият уларнинг ишлаши билан бирга ўқиши учун зарур шароитлар яратиб бермоғи шарт.

215-модда. Олинган малакага мувофиқ иш билан таъминлаш

Ишлаб чиқариш таълимини тамомлаганидан кейин ишчига тариф-малака справочнигига биноан тегишли малака берилади.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишлаб чиқариш таълимини муваффақиятли тугаллаган ишчини у олган малака ва унга берилган разрядга қараб иш билан таъминлаши зарур.

216-модда. Ишлаб чиқариш таълимини ўтган ёки махсус маълумот олган ишчи ва хизматчилар учун имтиёзлар

Малака разрядларини оширишда ёки юқорироқ вазифага кўтаришда ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш таълимини нақадар муваффақиятли ўтаганликлари, уларнинг умумий таълими ва профессионал тайёргарлиги, шунингдек улар олий ёки ўрта махсус маълумот олганликлари ҳисобга олиниши лозим.

217-модда. Умумий таълим ва профессионал-техника ўқув юртларида ўқиётган ишчи ва хизматчилар учун имтиёзлар

Умумий таълим ва профессионал-техника ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ишчи ва хизматчилар учун уларнинг иш ҳақлари белгиланган тартибда сақлаб қолинган ҳолда қисқартирилган иш ҳафтаси ёки қисқартирилган кунлик иш вақти белгилаб қўйилади, шунингдек уларга бошқа имтиёзлар ҳам берилади.

218-модда. Умумий таълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун иш вақтини қисқартириш

Ишчи ёшлар мактабларининг — кечки (сменали) ва сиртқи ўрта умумий таълим мактабларининг IX—XI синфларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли ўқиётган ишчи ва хизматчилар учун ўқув йили даврида бир иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса, шу кунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати белгилаб қўйилади, қишлоқ ёшлари мактабларининг — кечки (сменали, мавсумий) ва сиртқи ўрта умумий таълим мактабларининг IX—XI синфларида ўқиётганлар учун эса — икки иш кунига қисқартирилган иш ҳафтаси ёки ҳафта давомида иш куни қисқартирилган бўлса, шу кунга мувофиқ келадиган миқдорда қисқартирилган иш соати белгилаб қўйилади.

Агар олти кунлик иш ҳафтаси бўлса IX—XI синфларнинг ўқувчилари ўқув йили мобайнида юқорида кўрсатилган тартибда кўпи билан 36 иш кунига ёки шунга мувофиқ келадиган миқдордаги иш соати давомида ишдан холи қилиб қўйилади; беш кунлик иш ҳафтаси бўлган тақдирда, ишдан холи қилинадиган иш соатлари миқдори сақлаб қолинади, лекин ишдан холи қилинадиган иш кунлари миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради ва саккиз соатлик сменада 31,5 кунни ёки смена 8 соату 12 минут давом этганда 31 кунни ташкил қилади.

Ишдан холи қилиб қўйилган вақт учун ўқувчиларга асосий иш жойида оладиган ўртача иш ҳақининг эллик проценти тўланади, лекин бу миқдор иш ҳақининг белгиланган минимал миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

V—VIII синфларнинг ўқувчилари учун иш вақтини қисқартиш тартиби ССР Иттифоқи қонунларида ва, шу қонунлар билан аниқлаб берилган доирада, Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланади.

Ишчи ёшлар ва қишлоқ ёшлари мактабларининг IX—XI синфларидаги ўқувчиларга корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишлаб чиқариш фаолиятига зарар етказмасдан, иш ҳақи сақланмаган ҳолда шу ўқувчиларнинг хоҳишига биноан қўшимча равишда яна ҳафтасига ишдан холи бир-икки кун бериши мумкин.

219-модда. Умумий таълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш муносабати билан бериладиган отпускалар

Ишчи ёшлар ва қишлоқ ёшлари мактабларида — кечки (сменали, мавсумий) ва сиртқи ўрта умумий таълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ишчи ва хизматчиларга XI синфда битирув имтиҳонлари топшириш даврида 20 иш кунидан иборат, VIII синфда эса — 8 иш кунидан иборат, асосий иш жойидаги тариф ставкаси ёки оклади миқдорида иш ҳақи сақланадиган отпуска берилади.

Мазкур мактабларнинг V, VI, VII, IX ва X синфларида ишлаб чиқаришдан ажралмасдан таълим олаётган ўқувчилар учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети синфдан-синфга ўтиш имтиҳонлари топшириш вақтида ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ бериладиган кунларнинг умумий миқдорини 8-12 кунга қисқартириш ҳисобига уларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ишдан холи 4-6 кун белгилаб қўйиши мумкин.

220-модда. Умумий таълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун ҳар йилги отпуска бериш вақти

Умумий таълим мактабларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга йиллик отпуска бераётганда корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, ўқувчиларнинг хоҳиши билан, бу отпускани мактабларда имтиҳон топшириш вақтига тўғрилаб бериши шарт.

221-модда. Умумий таълим ва профессионал-техника ўқув юртларида ўқиётганларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишни чеклаш

Умумий таълим ва профессионал-техника ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ишчи ва хизматчиларнинг машғулот кунларида уларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиш тақиқланади.

222-модда. Профессионал-техника ўқув юртларида таълим олиш муносабати билан бериладиган отпускалар

Кечки (сменали) профессионал-техника ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли таълим олаётган ишчи ва хизматчилар имтиҳонларга тайёрланиш ва уларни топшириш учун асосий ишлаб турган жойидаги ўртача иш ҳақининг эллик проценти сақлаб қолинган ҳолда йил давомида 30 иш куни мобайнида ишдан холи қилиб қўйиладилар.

223-модда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топшириш учун ишчи ва хизматчиларга бериладиган отпускалар

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топширишга рухсат олган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақлари сақланмаган ҳолда отпуска берилади.

Олий ўқув юртларига (шу жумладан завод-олий техника ўқув юртларига) кириш имтиҳонлари топширишга рухсат олганларга 15 календарь куни давомида, ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларга эса 10 календарь куни давомида отпуска берилади; ўқув юрти жойлашган ерга келиш ва қайтиб кетиш вақти бу ҳисобга кирмайди.

224-модда. Кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган ишчи ва хизматчилар учун имтиёзлар

Кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган ишчи ва хизматчиларга ўқишлари муносабати билан белгиланган тартибда ҳақ тўланадиган отпускалар, шунингдек бошқа имтиёзлар берилади .

225-модда. Кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётганларнинг иш вақти бўйича имтиёзлари

Кечки ва сиртқи олий ўқув юртларининг студентлари ҳамда кечки ва сиртқи ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари диплом лойиҳаси (иши)ни тайёрлашларидан ёки давлат имтиҳонлари топширишларидан олдинги 10 ўқув ойи даврида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ишдан холи бўлишга ҳақлидирлар; бундай ҳолда шу кун учун олиб турилган иш ҳақининг эллик проценти миқдорида, лекин минимал иш ҳақидан кам бўлмаган ҳақ тўланади. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан холи бўладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, лекин ишдан холи бўладиган соатлар миқдори сақланиб қолади.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти студентлар ва ўқувчиларга, уларнинг хоҳиши бўйича, юқорида кўрсатилган 10 ўқув ойи мобайнида қўшимча равишда, иш ҳақи сақланмаган ҳолда, ҳафтасига ишдан холи яна бир-икки кун бериши мумкин.

226-модда. Кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида таълим олиш муносабати билан бериладиган отпускалар

Кечки олий ўқув юртларида муваффақиятли таълим олаётган студентларга лаборатория ишларини бажариш, зачёт ва имтиҳонлар топшириш даврида ҳар йили биринчи ва иккинчи курсларда 20 календарь кун, учинчи ва ундан кейинги курсларда эса — 30 календарь кундан иборат отпуска берилади. Кечки ўрта махсус ўқув юртларида муваффақиятли ўқиётган ўқувчиларга лабораторрия ишларини бажариш, зачёт ва имтиҳонлар топшириш даврида ҳар йил биринчи ва иккинчи курсларда 10 календарь кун, учинчи ва ундан кейинги курсларда эса — 20 календарь кундан иборат отпуска берилади.

Сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида муваффақиятли таълим олаётган студентлар ва ўқувчиларга лаборатория ишларини бажариш, зачёт ва имтиҳонлар топшириш даврида ҳар йил биринчи ва иккинчи курсларда 30 календарь кун, учинчи ва ундан кейинги курсларда эса — 40 календарь кундан иборат отпуска берилади.

Кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган студентлар ва ўқувчиларга давлат имтиҳонлари топшириш даврида 30 календарь кундан иборат отпуска берилади.

Сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари ҳамда ўқувчилари учун курслар бўйича лаборатория ишларини бажариш, зачёт ва имтиҳонлар топшириш даврида бериладиган қўшимча отпускалар муддати, ихтисосни ҳисобга олиб, белгиланган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Кечки ва сиртқи олий ўқув юртларининг студентларига диплом лойиҳаси (иши)ни тайёрлаш ва ёқлаш даврида 4 ой муддатга, кечки ва сиртқи ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига эса — 2 ой муддатга отпуска берилади.

Ишни кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш билан боғлаб олиб бориш муносабати билан бериладиган отпускалар вақтида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи сақлаб қолинади, лекин бу ҳақ белгиланган миқдордан ортиқ бўлмаслиги керак.

227-модда. Танланган ихтисосга доир иш билан танишиш ва диплом лойиҳасига материаллар тайёрлаш учун бериладиган отпуска

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти кечки ва сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг охирги курсларида ўқиётганларга уларнинг танлаган ихтисосига доир иш билан бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида танишишлари ва диплом лойиҳасига материаллар тайёрлашлари учун тегишли ўқув юртларининг тавсияномаларига асосан иш ҳақлари сақланмаган ҳолда яна бир ойлик қўшимча отпуска бериши мумкин. Бу отпуска даврида студент ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия берилади.

228-модда. Сиртқи ўқув юрти жойлашган ерга бориш учун ҳақ тўлаш

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётганларнинг лаборатория ишларини бажариш ва зачёт ҳамда имтиҳонлар топшириш мақсадида шу ўқув юртлари жойлашган ерга боришлари ва у ердан қайтиб келишлари учун йилига бир марта эллик процент миқдорида йўл кира беради.

Бундан ташқари, диплом лойиҳаси (иши)ни тайёрлаш ва ёқлаш учун ёки давлат имтиҳонлари топшириш учун бориб келинганда ҳам шундай миқдорда йўл кира тўланади.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

229-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар

Меҳнат низолари:

1) меҳнат низоларини кўрувчи комиссиялар томонидан;

2) касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетлари томонидан;

3) район (шаҳар) халқ судлари томонидан кўриб чиқилади.

Баъзи категориядаги ходимларнинг меҳнат низолари бўйсунишига қараб юқори органлар томонидан кўриб чиқилади (253 ва 254 моддалар).

230-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиялари ва касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитетлари томонидан меҳнат низоларини кўриш тартиби

Меҳнат низоларини кўриш комиссиялари ва касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетлари томонидан меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби меҳнат низоларини кўриш тартиби тўғрисидаги Низом ва ушбу Кодекс билан белгиланади.

231-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиялари

Меҳнат низоларини кўриш комиссияси корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, бир томондан, ишчи ва хизматчилар билан, иккинчи томондан, маъмурият ўртасида юз берадиган меҳнат низоларини кўриб чиқувчи бирдан-бир мажбурий бошланғич органдир; қонунга биноан бевосита район (шаҳар) халқ судларида ва бошқа органларда кўриб чиқилиши лозим бўлган низолар бундан мустасно.

232-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссияларини тузиш

Меҳнат низоларини кўриш комиссиялари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда касаба союзи комитети вакиллари ва маъмурият вакилларидан тенг составда тузилади.

Ҳар бир томон вакилларининг сони касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан маъмурият ўртасида келишиб белгиланади. Томонларнинг вакиллари комиссияга касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети ваколатининг муддати давомида ишлаш учун киритилади. Касаба союзи вакиллари меҳнат низоларини кўриш комиссиясига касаба союзи комитети аъзолари орасидан ажратилади.

Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотда меҳнат низоларини кўриш комиссияси касаба союз ташкилотчиси ва корхона, муассаса, ташкилот раҳбаридан иборат составда тузилади.

233-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссияларида кўрилмайдиган низолар

Меҳнат низоларини кўриш комиссиялари қуйидаги масалаларга:

1) корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ташаббуси билан ишдан бўшатилган ишчи ва хизматчиларни ишга қайта тиклаш;

2) махсус рўйхатда кўрсатилган вазифаларни эгаллаб турган ходимларни ишдан бўшатиш, уларни ишдан бўшатиш формулировкасини ўзгартиш, вазифасига қайта тиклаш ва бошқа ишга кўчириш ҳамда уларга интизомий жазо бериш;

3) интизом уставларига мувофиқ жазоланадиган шахсларга интизомий жазо бериш;

4) корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарарни ишчи ва хизматчилар тўлаши;

5) мансаб окладлари, тариф ставкалари белгилаш;

6) штатларни ўзгартиш;

7) давлат социал страхованиеси бўйича нафақалар ҳамда пенсиялар тайинлаш учун меҳнат стажини, бу нафақалар ва пенсиялар миқдорини ҳисоблаб чиқиш, махсус қонунларда белгиланган имтиёз ва афзалликларни бериш учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқиш;

8) уй-жой биноларини бериш ва тақсимлаш, шунингдек ходимларнинг маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги масалаларга доир низоларни кўришлари мумкин эмас.

234-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиясига келган аризаларни қабул қилиш тартиби

Меҳнат низоларини кўриш комиссиясига келган аризаларни касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети қабул қилиб олади, бундай, комитет бўлмаган жойда — аризалар касаба союз ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.

235-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг қарорлар қабул қилиши

Меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг ҳал қилув қарорлари томонлар билан келишиб қабул қилинади. Бу қарорлар мажбурий кучга эга бўлиб, бирон йўсинда тасдиқлашни талаб қилмайди.

236-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссияси қарори устидан шикоят бериш

Меҳнат низоларини кўриш комиссияси чиқарган ҳал қилув қарори устидан шу комиссия мажлиси протоколидан кўчирма топширилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитетига шикоят бериш мумкин.

237-модда. Меҳнат низоси кўриб чиқилгач, ишчи ёки хизматчининг касаба союзи фабрика, завод маҳаллий комитетига мурожаат қилиши

Агар меҳнат низоларини кўриш комиссиясида томонлар бир битимга келолмаса, ишчи ёки хизматчи унга комиссия мажлиси протоколидан кўчирма топширилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитетига мазкур низони ҳал қилиб беришни сўраб ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

238-модда. Касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитетларида меҳнат низоларини кўриб чиқиш

Меҳнат низоларини кўриш комиссиясида томонлар бир битимга келмагани тақдирда, меҳнат низоларини касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетлари ишчи ва хизматчиларнинг аризалари бўйича ҳамда шу комиссиянинг ҳал қилув қарори устидан ишчи ва хизматчилар берган шикоятлар бўйича кўриб чиқадилар. Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети комиссия қарорини ўз кучида қолдириши ёки уни бекор қилиб, низонинг моҳияти юзасидан тегишли қарор қабул қилиши мумкин.

Касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети ўз ташаббуси билан ёки прокурор протести бўйича комиссиянинг амалдаги қонунларга хилоф бўлган қарорини бекор қилиб, низонинг моҳияти юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

239-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссияси қарори устидан шикоят бериш ёки касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетига мурожаат қилиш муддатларини тиклаш

Меҳнат низоларини кўриш комиссияси чиқарган ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитетига мурожаат қилиш муддатлари узрли сабаблар билан ўтиб кетган тақдирда (236 ва 237-моддалар), бу муддатлар касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети томонидан тикланиши мумкин.

240-модда. Меҳнат низоси кўрилгач, ишчи, хизматчи ёки маъмуриятнинг район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилиши

Агар ишчи ёки хизматчи меҳнат низоси юзасидан корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз ташкилотчиси ва раҳбаридан иборат составдаги комиссия чиқарган қарорга рози бўлмаса ёки ана шу комиссияда томонлар бир битимга келмагани тақдирда, бу ишчи ёки хизматчи унга комиссия мажлиси протоколидан кўчирма топширилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида меҳнатга оид низони ҳал қилиб беришни сўраб район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилиши мумкин.

Ишчи ёки хизматчи меҳнат низоси юзасидан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети чиқарган қарорга рози бўлмаса, касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг қарори унга топширилганидан бошлаб ўн кун муддат ичида меҳнатга оид низони ҳал қилиб беришни сўраб район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилиши мумкин.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти меҳнат низоси юзасидан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети чиқарган қарорни қонунларга зид деб ҳисобласа, юқорида кўрсатилган муддат ичида меҳнат низосини ҳал қилиб беришни сўраб район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилиши мумкин.

241-модда. Меҳнат низоларини район (шаҳар) халқ судларида кўриш тартиби

Меҳнат низоларини район (шаҳар) халқ судларида кўриш тартиби меҳнат низоларини кўриш тартиби тўғрисидаги Низом, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал кодекси билан белгиланади.

242-модда. Меҳнат низоларини район (шаҳар) халқ судларида кўриб чиқиш

Район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари:

1) ишчи ва хизматчилар касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети чиқарган қарорга рози бўлмаганларида — ишчи ва хизматчиларнинг берган аризаларига биноан ёки маъмурият касаба союзи, фабрика, завод, маҳаллий комитети чиқарган қарорни амалдаги қонунга зид деб ҳисоблаган тақдирда — маъмуриятнинг аризасига биноан;

2) ишчи ва хизматчилар корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз ташкилотчиси ва раҳбаридан иборат составда бўлган меҳнат низоларини кўриш комиссияси қарорига рози бўлмаганлари тақдирда ёки бу комиссияда томонлар бир битимга келмаганида, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотда касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети ва касаба союзи ташкилотчиси бўлмаганида — ишчи ва хизматчилар берган аризаларга биноан кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, меҳнат низоларини кўриш комиссиясига ва касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитетига мурожаат қилмасдан, бевосита район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари:

1) корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ташаббуси билан ишдан бўшатилган ишчи ва хизматчиларнинг ишга қайта тиклаш тўғрисидаги аризаларига биноан кўриб чиқилади; махсус рўйхатда кўрсатилган вазифаларни эгаллаб турган ходимларнинг низолари бундан мустаснодир (252 ва 253-моддалар);

2) корхонага, муассасага, ташкилотга етказилган зарарни ишчи ва хизматчилардан ундириб олиш тўғрисида маъмурият берган аризага биноан кўриб чиқилади.

243-модда. Меҳнат низоларини ҳал қилиб беришни сўраб мурожаат этиш муддатлари

Ишчи ва хизматчилар меҳнат низолари юзасидан, орадан қанча муддат ўтганлигидан қатъи назар, меҳнат низоларини кўрувчи комиссияга истаган вақтда мурожаат қилишлари, ишдан бўшатиш тўғрисидаги ишлар юзасидан эса — уларга ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида район (шаҳар) халқ судига мурожаат этишлари мумкин.

Корхонага, муассасага, ташкилотга етказилган моддий зарарни ходимлардан ундириб олиш масалалари бўйича маъмуриятнинг район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилиши учун қуйидаги муддатлар белгилаб қўйилади:

1) ушбу Кодекснинг 141-моддасининг биринчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда — ходим етказган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат;

2) ушбу Кодекснинг 141-моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда — ходим етказган зарар аниқланган кундан бошлаб бир йиллик муддат.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, суд бу муддатларни тиклаши мумкин.

244-модда. Ишга қайта тиклаш

Ишчи ёки хизматчи ғайриқонуний асосда ишдан бўшатилган ёки белгиланган тартиб бузилган ҳолда ишдан бўшатилган тақдирда ёхуд ғайриқонуний йўсинда бошқа ишга кўчирилганида шу ишчи ёки хизматчи меҳнат низоларини кўрувчи орган томонидан аввалги ишига қайта тикланиши лозим.

245-модда. Ноилож прогул қилган ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлаш

Ишдан ғайриқонуний тарзда бўшатилиб, аввалги ишига қайта тикланган ишчи ёки хизматчига у ишдан бўшатилган кундан бошлаб ноилож прогул қилган вақт учун суднинг ҳал қилув қарори билан ўртача иш ҳақи тўланади, лекин бу ҳақ уч ойлик иш ҳақи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

Ишдан бўшатиш сабаби меҳнат дафтарчасида нотўғри кўрсатилганлиги ишчи ёки хизматчининг янги ишга киришига тўсқинлик қилган ҳолларда, ноилож прогул қилинган вақт учун тўланадиган ҳақ ҳам суднинг ҳал қилув қарорига биноан шундай миқдорда берилади.

Ғайриқонуний тарзда бошқа ишга кўчирилган ва аввалги ишига қайта тикланган ишчи ёки хизматчига у ноилож прогул қилган вақт учун меҳнат низоларини кўрувчи органнинг ҳал қилув қарорига ёки қарорига биноан ўртача иш ҳақи ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақтда олган иш ҳақининг фарқи тўланади, лекин бу ҳақ уч ойлик иш ҳақи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

246-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг ҳал қилув қарорини ва касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг қарорини ижро этиш

Меҳнат низоси юзасидан меҳнат низоларини кўриш комиссияси чиқарган ҳал қилув қарори ва касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг қарори, башарти бу қарорларда уларни ижро этишнинг бошқача муддатлари кўрсатилмаган бўлса, корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан ўн кун ичида бажарилиши лозим.

247-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг ҳал қилув қарори ва касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг қарорини бажариш учун гувоҳнома бериш тартиби

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти меҳнат низоси юзасидан меҳнат низоларини кўриш комиссияси чиқарган ҳал қилув қарорини ёки касаба союзи фабрика, завод маҳаллий комитетининг қарорини ушбу Кодекснинг 246-моддасида кўрсатилган муддат ичида бажармаган тақдирда, шу фабрика, завод, маҳаллий комитети манфаатдор шахсга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома беради.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз ташкилотчиси ва раҳбаридан иборат составда бўлган комиссия чиқарган ҳал қилув қарорини ижро этиш учун бундай гувоҳнома касаба союзининг юқори органи томонидан берилади.

Башарти ходим ёки маъмурият меҳнат низосини ҳал қилиб беришни сўраб район (шаҳар) халқ судига белгиланган муддатда мурожаат этган бўлса, у ҳолда касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети қарорини бажариш учун гувоҳнома берилмайди.

248-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг ҳал қилув қарори ва касаба союзи фабрика завод, маҳаллий комитетининг қарорини ижро этиш ҳақида гувоҳномани олиш муддатлари

Ушбу Кодекснинг 247 моддасида кўрсатилган гувоҳномани олиш учун ходим унга меҳнат низоларини кўриш комиссияси мажлиси протоколидан ёки касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети қароридан кўчирма топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мурожаат қилиши мумкин.

249-модда. Меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг ҳал қилув қарорини ва касаба союзи фабрика, завод маҳаллий комитетининг қарорини мажбурий бажартириш

Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети берган ва кўпи билан уч ой муддат ичида суд ижрочисига тақдим этилган гувоҳнома асосида мазкур суд ижрочиси меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг ҳал қилув қарорини ёки касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг қарорини мажбурий тартибда ижро эттиради.

250-модда. Ишга қайта тиклаш ва ишдан бўшатиш сабаби формулировкасини ўзгартиш ёки иш ҳақини тўлаш тўғрисидаги қарорларнинг дарҳол ижро этилиши

Меҳнат низоларини кўрувчи органнинг қонунсиз бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни ўз ишига қайта тиклаш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим.

Агар маъмурият ушбу қарорларни ижро этишни кечиктирган бўлса, у ҳолда шу қарор чиқарилган кундан бошлаб то у ижро этилгунга қадар ўтган вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи ёки иш ҳақининг фарқи тўланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгилаб қўйилган қоидалар ишдан бўшатиш сабаби формулировкасини ўзгартиш тўғрисидаги қарорларга ҳам тааллуқлидир.

Ишчи ёки хизматчига иш ҳақи тўлаш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ҳам дарҳол ижро этилиши лозим, лекин бу ҳақ бир ойлик иш ҳақи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

251-модда. Суднинг ишга қайта тиклаш, ишдан бўшатиш сабаби формулировкасини ўзгартиш ёки иш ҳақини тўлаш тўғрисидаги қарорининг ижросини тўхтатиш мумкин эмаслиги

Суднинг ишга қайта тиклаш, ишдан бўшатиш сабаби формулировкасини ўзгартиш ёки бир ойликдан ортиқ бўлмаган иш ҳақини тўлаш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб бўлмайди.

252-модда. Ишдан ғайриқонуний тарзда бўшатишда ёки бошқа ишга кўчиришда айбдор бўлган мансабдор шахсга моддий жавобгарлик юклаш

Ходимни ғайриқонуний тарзда ишдан бўшатишда ёки уни бошқа ишга кўчиришда айбдор бўлган мансабдор шахсга суд ноилож прогул қилинган вақт учун ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўланиши туфайли корхонага, муассасага, ташкилотга етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбурият ходимни ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга кўчиришда қонун очиқдан-очиқ бузилган ёхуд суднинг ишга қайта тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини бажаришни маъмурият кечиктирган тақдирда юкланади. Тўланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ошиб кетмаслиги керак.

253-модда. Айрим категориядаги ходимларни ишдан бўшатиш ва бошқа ишга кўчириш масалалари бўйича чиққан низоларни кўриш ва уларга интизомий жазо бериш тартиби

Махсус рўйхатда кўрсатилган вазифаларни эгаллаб турган ходимларни ишдан бўшатиш ва бошқа ишга кўчириш, шунингдек уларга интизомий жазо бериш масалалари юзасидан чиққан низолар бўйсунишига қараб юқори органлар томонидан кўриб чиқилади. Интизом уставларига биноан интизомий жавобгарликка тортилган ходимларга интизомий жазо бериш масалалари юзасидан чиққан низолар ҳам шу тартибда кўрилади.

254-модда. Бўйсунишига қараб юқори орган қарори билан аввалги ишига қайта тикланганда ноилож қилинган прогул вақти ёки камроқ ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш

Ходим аввалги ишига қайта тикланган тақдирда, бўйсунишига қараб юқори турувчи орган қарори билан у ишдан бўшалган кундан бошлаб ноилож прогул қилган вақт ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун унга тегишли иш ҳақи тўланади, лекин бу ҳақ уч ойлик иш ҳақи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак. Бундай ҳолда тегишли бўлишига қараб ушбу Кодекснинг 245, 250 ва 252-моддалари қўлланилади.

255-модда. Меҳнат шароити яратиб бериш ёки уни ўзгартиш юзасидан ходимлар билан маъмурият ўртасида чиққан низоларни ҳал қилиш

Янги меҳнат шароитлари яратиб бериш ёки меҳнат қонунлари ёхуд бошқа хил норматив актлар билан тартибга солинмаган мавжуд меҳнат шароитларини ўзгартиш юзасидан ходимлар билан маъмурият ўртасида чиққан низолар касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишилган ҳолда маъмурият томонидан кўриб чиқилади, бунда ўзаро бир битимга келинмаган тақдирда эса, тарафлар иштирокида уларнинг юқори органлари томонидан биргаликда ҳал этилади.

256-модда. Меҳнат шароити яратиб бериш ёки уни ўзгартиш юзасидан касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан маъмурият ўртасида чиққан ихтилофларни ҳал қилиш

Корхона, муассаса ташкилотда янги меҳнат шароитлари яратиб бериш ёки мавжуд меҳнат шароитларини ўзгартиш юзасидан касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитети билан маъмурият ўртасида чиққан ихтилофлар тарафлар иштирокида уларнинг юқори органлари томонидан биргаликда ҳал этилади.

257-модда. Даъвогар ишчи ва хизматчиларни суд харажатларидан озод этиш

Даъвогар ишчи ва хизматчилар меҳнат ҳуқуқий муносабатларига оид барча даъволар бўйича суд харажатларини (иш судда кўрилиши муносабати билан тўланадиган давлат пошлинаси ва бошқа харажатларни) давлат даромадига тўлашдан озод қилинадилар.

258-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқиш муддатлари

Меҳнат низолари ариза тушган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

1) меҳнат низоларини кўриш комиссиялари томонидан — беш кундан кечиктирмай;

2) касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетлари томонидан — етти кундан кечиктирмай;

3) район (шаҳар) халқ судлари томонидан — ўн кундан кечиктирмай кўрилади.

(Давоми олтинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИ

(Боши 1, 2, 3, 4 ва 5- бетларда).

259-модда. Ортиқча тўланган иш ҳақини қайта ундириб олиш шартлари

Маъмурият томонидан ихтиёрий равишда, шу жумладан қонунни нотўғри қўлланиш натижасида ортиқча тўланган иш ҳақи қайтариб олиниши мумкин эмас; ҳисобдан адашганлик оқибатида ортиқча тўланган ҳақларни ундириш бундан мустасноди.

Ходимнинг ёлғон маълумотлар бериши ёки сохта ҳужжатлар тақдим қилиши оқибатида ортиқча тўланган суммалар ундан суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукмига асосан ундириб олинади.

260-модда. Меҳнат низолари юзасидан чиқарилган қарорнинг қайтарма ижроси

Суднинг меҳнат низолари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари назорат тартибида бекор қилинган тақдирда шу қарорлар асосида тўлаб қўйилган суммалар, башарти бекор қилинган қарор ишчи ёки хизматчининг тақдим қилган сохта ҳужжатлари ёки берган ёлғон маълумотларига асосланиб чиқарилган бўлса, ишчи ёки хизматчидан қайта ундириб олиниши мумкин. Бундай ҳолларда суммаларни қайта ундириб олишга фақат суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори билан йўл қўйилади.

Меҳнат низоси кейинчалик ҳал қилинганда, илгари чиқарилган меҳнат низоларини кўриш комиссиясининг ҳал қилув қарори ёки касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг қарори асосида ишчи ва хизматчига тўлаб қўйилган суммалар юқоридаги шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина улардан қайта ундириб олиниши мумкин.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

КАСАБА СОЮЗЛАРИ, ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДА ҚАТНАШИШИ

261-модда. Ишчи ва хизматчиларнинг касаба союзларига бирлашиш ҳуқуқи

СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, ишчи ва хизматчиларнинг касаба союзларига бирлашиш ҳуқуқи таъминланади.

262-модда. Касаба союзларининг давлат органларига нисбатан мустақил мавқеи

Касаба союзлари ўзлари қабул қилган уставларга мувофиқ иш олиб борадилар ва давлат органларида рўйхатга олинмайдилар.

263-модда. Касаба союзи органларининг юридик шахс эканлиги

Корхона, муассаса, ташкилотларнинг касаба союзи комитетлари, касаба союзларининг район, шаҳар, область комитетлари ва Советлари, касаба союзларининг республика комитетлари, шунингдек Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети юридик шахс ҳисобланади.

264-модда. Касаба союзлари фаолиятига ёрдам кўрсатиш

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар касаба союзларининг фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқлари зарур.

265-модда. Касаба союзларининг ишчи ва хизматчилар манфаатини ифода қилиши

Касаба союзлари ишлаб чиқариш, меҳнат, турмуш ва маданият соҳасида ишчи ва хизматчиларнинг манфаатларини ифода қиладилар.

Касаба союзларининг вакиллари ишчи ва хизматчиларнинг, шунингдек ҳуқуқ ва манфаатлари касаба союзлари томонидан ҳимоя қилинадиган бошқа шахсларнинг ишлари бўйича судда вакиллик қилишлари мумкин.

266-модда. Ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасида касаба союзларининг ҳуқуқлари

Касаба союзлари халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда қатнашадилар, ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришда жалб этадилар, социалистик мусобақани, оммавий техника ижодиётини ташкил этадилар, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдамлашадилар.

267-модда. Меҳнат шароитларини белгилаш ва ўзгартиш соҳасида касаба союзларининг ҳуқуқлари

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида ҳамда СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чиқарган қарорларда кўзда тутилган ҳолларда, меҳнат шароитлари яратиш ва иш ҳақини белгилаш, меҳнат тўғрисидаги қонунларни қўлланиш, жамоат истеъмол фондларидан фойдаланиш масалалари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг юқори органлари томонидан касаба союзлари билан биргаликда ёки улар билан келишиб амалга оширилади.

268-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишини ҳамда ишчи ва хизматчиларга уй-жой-маиший хизмат кўрсатилиши устидан контрол қилишда касаба союзи органларининг ҳуқуқлари

Касаба союзлари меҳнат тўғрисидаги қонунларга ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат ва контрол қилиб борадилар, ишчи ва хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш ва уларга маиший хизмат кўрсатилишини контрол қиладилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларга, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилинишига, коллектив шартномаларнинг бажарилиши, ишчи ва хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш ва уларга маиший хизмат кўрсатиш устидан контрол қилиш учун касаба союзлари фабрика, завод, маҳаллий комитетлари ҳамда касаба союзи юқори органларининг аъзолари, шунингдек бу органларнинг қонун бўйича ҳуқуққа эга бўлган бошқа вакиллари:

1) корхона, муассаса, ташкилотлардаги цех, бўлим, устахона ва бошқа жойларга кундузи ва кечаси истаган вақтларида бемалол кириш ва уларни кўздан кечиришга;

2) корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятидан тегишли ҳужжатлар, маълумотлар, изоҳатлар талаб қилишга, шунингдек иш ҳақига оид ҳисоб-китобларни текшириб кўришга;

3) мазкур корхона, муассаса, ташкилот ишчи ва хизматчиларига хизмат қилувчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг, шунингдек поликлиника, болалар боғчалари, ётоқхоналар, ҳаммомлар ва бошқа коммунал-маиший хизмат корхоналарининг ишини текширишга ҳақлидирлар.

269-модда. Давлат социал страхованиеси, маданият ва спорт соҳасида касаба союзларининг ҳуқуқлари

Касаба союзлари давлат социал страхованиесини, шунингдек ўз ихтиёрида бўлган санаторийлар, профилакторийлар ва дам олиш уйлари, маданий-оқартув, туристик ва спорт муассасаларини бошқаради.

270- модда. Касаба союзларининг қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи

Қонун чиқаришда касаба союзлари Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети орқали ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

271-модда. Ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи

Ишчи ва хизматчилар ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларини муҳокама этишда ва ҳал қилишда қатнашиш, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ишларини яхшилаш, шунингдек социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш масалалари юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишчи ва хизматчилар касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари, халқ контроли органлари, умумий йиғилишлар, ишлаб чиқариш кенгашлари, конференциялар ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг турли жамоат ташкилотлари орқали ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашадилар.

272-модда. Ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишларини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиб бериш маъмуриятнинг бурчлари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмурияти ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиб бермоқлари зарур.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари ишчи ва хизматчилар киритган танқидий мулоҳаза ва таклифларни ўз вақтида қараб чиқиб, кўрилган чоралар ҳақида уларга маълум қилишлари шарт.

273-модда. Маданий-оммавий ва физкультура ишлари учун корхона ва ташкилотларнинг касаба союзи органларига пул маблағлари ажратиб бериши

Корхона ва ташкилотлар маданий-оммавий ишлар ва физкультура ишлари учун касаба союзи органларига пул маблағлари ажратиб беришлари шарт.

274-модда. Касаба союзлари фабрика, завод, маҳаллий комитетига зарур биноларининг, транспорт ва алоқа воситаларининг текинга берилиши

Корхона, муассаса, ташкилотлар касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитетига шу комитетнинг ўзи ишлаши учун ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг йиғилишларини ўтказиш учун ҳамма асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, иситилган, ёритилган, тозалаб туриладиган ва қўриқланадиган зарур бинолари текин бериб қўйишлари керак.

Маъмурият касаба союзининг фабрика, завод маҳаллий комитетига транспорт воситалари ва алоқа воситаларини текин беради.

275-модда. Маданий-оқартув, соғломлаштириш, физкультура ва спорт ишлари олиб бориш учун касаба союзлари фабрика, завод, маҳаллий комитетларига моддий хизмат кўрсатиш

Корхона, муассаса, ташкилот ишчи ва хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида маданий-оқартув, соғломлаштириш, физкультура ва спорт ишларини олиб бориш учун мўлжалланган бинолар, хоналар, иншоотлар, боғлар ва парклар, шунингдек пионер лагерлари, шу корхона, муассаса, ташкилот балансида туради ва текин фойдаланиш учун касаба союзининг фабрика, завод, маҳаллий комитетига бериб қўйилади.

Ана шу мақсадлар учун корхона, муассаса, ташкилот ижарага оладиган бинолар, хоналар ва иншоотлар ҳам фойдаланиш учун касаба союзи комитетига текин берилади.

Мазкур моддада кўрсатилган бинолар, хоналар ва иншоотларни ва пионер лагерларини хўжалик жиҳатидан асраш, ремонт қилиш, иситиш, ёритиш ,тозалаб туриш, қўриқлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари корхона, муассаса, ташкилот ҳисобидан бўлади.

276-модда. Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг ҳуқуқлари

Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетининг ҳуқуқлари касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети ҳуқуқлари тўғрисидаги СССР қонуни билан белгиланади.

Касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети:

1) корхона, муассаса, ташкилот ишчилари ва хизматчиларининг ишлаб чиқариш, меҳнат, маиший, маданият соҳаларидаги манфаатларини ифода қилади; ишлаб чиқариш планларининг лойиҳаларини, янги техникани жорий этиш планлари, корхона, муассаса, ташкилотнинг капитал қурилиш планлари лойиҳаларини, уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектларни қуриш ҳамда ремонт қилиш планларининг, шунингдек коллективни социал ривожлантириш планларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

2) маъмурият билан биргаликда моддий рағбатлантириш ҳамда социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондини белгиланган соҳаларга тақсимлайди, ана шу фондларни сарфлаш сметаларини тасдиқлайди, шунингдек корхона, ташкилот ишининг йиллик якунлари учун моддий рағбатлантириш фондидан бериладиган мукофотлар ва бошқа турдаги рағбатлантиришларнинг, моддий ёрдам ва мукофотларнинг миқдорини белгилайди;

3) корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларининг ишлаб чиқариш планини, коллектив шартномага биноан олган мажбуриятларини, меҳнат шароитини, ишчи ва хизматчиларга моддий-маиший ва маданий хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва яхшилашга доир тадбирлар кандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги докладларини тинглайди ва аниқланган камчиликларнинг йўқотилишини талаб қилади;

4) маъмурият билан биргаликда социалистик мусобақани, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини ташкил этади ва бу ишларга якун ясайди, мусобақа ғолибларини белгилайди, илғор цехлар, бўлимлар, бригадаларнинг ҳамда корхона, ташкилотдаги бошқа ишчи звеноларнинг коллективларига кўчма Қизил байроқлар, Фахрий ёрлиқлар беради, ишлаб чиқариш илғорларини ёрлиқлар ва пул мукофотлари билан тақдирлаш, шунингдек уларнинг номини Ҳурмат тахтасига ва Ҳурмат дафтарига ёзиш масаласини ҳал қилади, социалистик мусобақа якунларини ҳаммага маълум қилади, илғор тажрибани оммалаштиради, Социалистик мусобақа юзасидан ҳамма мукофот маблағларини корхона, ташкилот раҳбари касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишиб сарфлайди;

5) ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади ҳамда қабул қилинган ихтироларнинг ва рационализаторлик таклифларининг ўз вақтида жорий этилишини контроль қилиб туради. Ишчи ва хизматчиларнинг рационализаторлик таклифлари рад этилганлиги тўғрисидаги шикоятларини, шунингдек қабул этилган рационализаторлик таклифлари ва ихтиролар учун бериладиган мукофотларни белгилаш тартиби ва тўлаш муддатлари тўғрисидаги масалалар юзасидан шикоятларини корхона, ташкилот маъмурияти билан биргаликда қараб чиқади;

6) қонунларга мувофиқ маъмурият касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитети билан биргаликда ёки у билан келишиб ҳал қилиши лозим бўлган меҳнат ва иш ҳақи масалаларини ҳал қилишда бевосита иштирок этади;

7) корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг меҳнат тўғрисидаги қонунларни, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ва нормаларини қандай бажараётганлигини, меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан белгиланган шартларни қандай татбиқ этаётганлигини контроль қилиб туради;

8) ишчи ва хизматчининг иш бўшатилади.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

ДАВЛАТ СОЦИАЛ СТРАХОВАНИЕСИ

280-модда. Социал страхованиенинг барча ишчи ва хизматчиларга жорий этилиши

Барча ишчи ва хизматчилар давлат йўли билан мажбурий социал страхование қилинишлари лозим.

281-модда .Социал стахованне маблағлари

Ишчи ва хизматчиларнинг давлат социал страхованиеси давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Социал страхование тўловлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан ҳеч қандай пул ушлаб қолинмасдан тўланади. Корхона, муассаса, ташкилотнинг страхование взносларини тўламаганлиги ишчи ва хизматчиларни давлат социал страхованиеси билан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

282-модда. Социал страхование йўли билан бериладиган таъминот турлари

Ишчи ва хизматчилар, тегишли ҳолларда эса уларнинг оила аъзолари ҳам давлат социал страхованиеси орқали қўйидагилар билан:

1) меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганда бериладиган нафақалар, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари билан;

2) бола туғилиши муносабати билан бериладиган нафақалар билан; дафн этиш учун бериладиган нафақалар билан;

3) қарилик, инвалидлик пенсиялари, боқувчисидан жудо бўлганлик учун тўланадиган пенсия, шунингдек баъзи категориядаги ходимларга узоқ йиллик хизматлари учун тўланадиган пенсиялар билан таъминланадилар.

Давлат социал страхованиеси маблағлари, шунингдек, ишчи ва хизматчиларни санаторий ва курортларда даволаш, уларни профилакторийлар ва дам олиш уйларига жойлаштириш, даволаш (парҳез) овқатлари бериш, пионерлар лагерлари таъминоти учун ва давлат социал страхованиеси йўли билан ўтказиладиган бошқа тадбирлар учун сарфланади.

283-модда. Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганда бериладиган нафақалар

Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганда бериладиган нафақалар ходим касал бўлиб қолган, майиб бўлган, касаллиги сабабли вақтинча бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, касал бўлиб қолган ёки карантин эълон қилинган, санаторий-курортда даволанишда бўлган ва протез қилинган ҳолларда иш ҳақининг тўла миқдоригача тўланади.

Ходим касал бўлиб қолган ёки майиб бўлган тақдирда нафақалар унинг меҳнатга лаёқати тикланган гунга қадар ёки ходим инвалидликка чиққунга қадар тўланади.

284-модда. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари

Ҳомиладорлик ьа туғиш нафақалари ҳомиладорлик ва туғиш отпускасининг бутун даврида иш ҳақининг ундан икки қисмидан тортиб то тўла миқдоригача тўланади.

285-модда. Қарилик, инвалидлик пенсиялари ва боқувчисидан жудо бўлган ҳолларда тўланадиган пенсиялар.

Ишчи ва хизматчиларга қарилик ва инвалидлик пенсияси ҳамда уларни боқувчисидан жудо бўлган оила аъзоларига тўланадиган пенсиялар Давлат пенсиялари тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ равишда тайинланади.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ВА КОНТРОЛЬ ҚИЛИШ

286-модда. Меҳнат қонунларига риоя этилиши устидан назорат ва контроль қилувчи органлар

Меҳнат қонунларига ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат ва контроль:

1) ўз фаолиятида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар маъмуриятига ва уларнинг юқори органларига тобе бўлмаган махсус вакил қилинган давлат органлари ва инспекциялар томонидан;

2) касаба союзлари, шунингдек улар ихтиёрида бўлган техника ва ҳуқуқ меҳнат инспекциялари томонидан—шу инспекциялар тўғрисида ВЦСПС тасдиқлайдиган низомларга биноан амалга оширилади.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия ҳамда фармойиш берувчи органлари меҳнат қонунларига риоя қилиниши устидан ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган тартибда контроль қилиб борадилар.

Министрликлар ва идоралар ўз қарамоқларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат қонунларига қандай риоя қилинаётганлигини ўзлари контроль қилиб борадилар.

Ўзбекистон ССР территориясидаги барча министрликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари меҳнат қонунларини аниқ бажаришлари устидан олий назорат бевосита СССР Генерал Прокурори томонидан ҳам, Ўзбекистон ССР Прокурори орқали ҳам амалга оширилади.

287-модда. Саноатда хавфсиз иш юритиш устидан давлат назорати

Саноатнинг баъзи бир тармоқларида ва айрим объектларда ишларни хавфсизлик билан юритиш қоидаларига риоя қилишнинг устидан давлат назорати (касаба союзларининг техника инспекциялари билан бир қаторда) СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Саноатда хавфсиз иш юритиш назорати ва кон ишлари назорати давлат комитети (СССР Госгортехнадзори) ва унинг маҳаллий органлари томонидан мазкур Комитет тўғрисидаги Низомга биноан амалга оширилади.

Бундай назорат кўмир, конмаъдан, кон-химия, маъдансиз саноат, нефть ва газ қазиб чиқарувчи, химия, металлургия, нефть-газни қайта ишловчи саноатларда, геология-қидирув экспедиция ва партияларида, шунингдек босим кучи билан ишловчи кўтарма иншоотлар, қозон установкалари ва идишларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда, пар ва иссиқ сув трубопроводларида, газ қазиб чиқариш, транспортировка қилиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган объектларда, саноатда портлатиш ишларини олиб боришда амалга оширилади.

288-модда. Давлат энергетика назорати

Электр ва иссиқликдан фойдаланувчи установкаларнинг хавфсиз ишлашини таъминловчи тадбирларни амалга ошириш устидан давлат назорати СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги системасидаги давлат энергетика назорати органлари томонидан, СССРда давлат энергетика назорати тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади.

289-модда. Давлат санитария назорати

Корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан гигиена нормаларига, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши санитария қоидаларига риоя этилишини устидан давлат санитария назорати СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария-эпидемиология хизмати органлари ва муассасалари томонидан СССРда давлат санитария назорати тўғрисидаги Низомга асосан, баъзи бир объектларда эса—министрликлар ва идораларнинг тегишли медицина хизмати қисмлари томонидан амалга оширилади.

290-модда. Меҳнат қонунларига риоя қилинишн устидан касаба союзларининг жамоат контроли

Меҳнат қонунларига ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиниши устидан жамоат контроли касаба союзлари томонидан, шунингдек касаба союзи фабрика, завод, маҳаллий комитетларининг ВЦСПС томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида иш кўрувчи жамоат инспекцияларн ва комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Жамоат санитария контроли корхона, муассаса, ташкилотлардаги санитария инспекторлари томонидан амалга оширилади.

291-модда. Меҳнат қонунларини бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнат қонунлари ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузишда, коллектив шартномалардаги ва меҳнат муҳофазаси юзасидан тузилган битимлардаги мажбуриятларни бажармаганликда ёки касаба союзлари фаолиятига ҳалал беришда айбдор бўлган мансабдор шахслар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

292-модда. Меҳнат қонунларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик

Меҳнат қонунларини ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун интизомий жазо чоралари юқори мансабдор шахс ёки юқори орган томонидан умумий белгиланган тартибда қўлланилади.

Касаба союзи органлари, зарур ҳолларда, меҳнат қонунларини ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузаётган раҳбар ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли ташкилотларга таклифлар киритади. Бу ташкилотлар кўрилган чоралар тўғрисида касаба союз органларига бир ой мобайнида хабар беришга мажбур.

293-модда. Меҳнат қонунларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик

Қуйидагилар белгиланган миқдорда маъмурий тартибда штраф солиш ҳуқуқига эгадирлар.

1) касаба союзларининг техника инспекторлари — меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларини бузганлик учун;

2) госгортехнадзорнинг мансабдор шахслари — госгортехнадзор органларининг контроллигида бўлган саноат тармоқларида ва объектларда хавфсиз иш юритиш қоидалари, нормалари ва инструкцияларини такрор бузганлик учун;

3) санитария-эпидемиология хизматининг мансабдор шахслари — санитария-гигиена ва эпидемияга қарши санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун.

294-модда. Меҳнат қонунларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Меҳнат қонунларини ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси билан белгиланади.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

295-модда. Баъзи категориядаги ишчи ва хизматчиларга меҳнат соҳасида бериладиган имтиёзлар

Узоқ Шимол районларида ва уларга тенглаштирилган жойларда ишловчи ишчи ва хизматчилар учун, шунингдек баъзи бир бошқа категориядаги ишчи ва хизматчилар учун меҳнат соҳасида бериладиган имтиёзлар ССР Иттифоқи қонунлари билан ва, бу қонунлар белгилайдиган доирада, Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

296-модда. Халқ хўжалигининг баъзи бир соҳаларида иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш хусусиятлари

Транспортда, алоқа ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асосларида белгиланган нормалар доирасида иш вақтини ва дам олиш вақтини тартибга солиш хусусиятлари ССР Иттифоқи қонунлари билан ва, бу қонунлар белгилайдиган доирада, Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

298-модда. Етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдори унинг номинал миқдоридан ортиб кетган тақдирда ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлик чегаралари

Ишчи ва хизматчиларнинг корхонага, муассасага, ташкилотга етказган зарарининг ҳақиқий миқдори бу зарарнинг номинал миқдоридан ортиб кетган тақдирда, шу ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлик чегаралари ССР Иттифоқи қонунлари ҳамда СССР Министрлар Советининг қарорлари билан белгиланади.

299-модда. Баъзи категориядаги ишчи ва хизматчилар меҳнатини тартибга солишнинг бошқа хусусиятлари

Айрим масалалар бўйича баъзи категориядаги ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини тартибга солиш соҳасидаги бошқа хусусиятлар фақат ССР Иттифоқи қонунлари ва СССР Министрлар Совети қарорлари билан белгиланиши мумкин, ушбу Кодекснинг 37, 295, 296, 297 ва 298-моддаларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасноди.

300-модда. ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асосларида кўзда тутилган масалаларга оид компетенцияларини чегаралаш

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар меҳнат қонунлари Асосларининг 107-моддасига мувофиқ, ССР Иттифоқи ихтиёрига Асосларнинг айрим моддаларида кўрсатилган ҳоллардан ташқари:

бекор туриб қолиш муносабати билан ишчиларни кўчириш мумкин бўлмаган малакасиз ишларни (35-модда); тунги ишлар муддатини (59-модданинг иккинчи қисми); ойлик иш ҳақининг минимал миқдорини (92- модда) қисман яроқсиз маҳсулот учун тўланадиган ҳақ миқдорини (112-модда); хизмат командировкаларига бориш ва бошқа жойдаги ишга кўчирилиш муносабати билан бериладиган компенсацияларни (137, 138, 139-моддалар); тунги ишларда аёллар меҳнатини чеклаш тартибини (188-модданинг биринчи қисми); меҳнат низолари бўйсуниш тартибида кўриб чиқиладиган ходимлар категорияларини (253-модда); касаба союз органларига маданий-оммавий ишлар ва физкультура ишлари учун маблағ ажратиш тартибини ва бу маблағларнинг миқдорини (273-модда) давлат социал страхованиеси йўли билан таъминлаш тартиби ва бу таъминот миқдорларини (280, 281, 282 283, 284, 285-моддалар) аниқлаб берувчи қоидаларни белгилаш ҳам берилган.

ССР Иттифоқи ихтиёрига ва ССР Иттифоқи белгилайдиган доираларда, Ўзбекистон ССР ихтиёрига:

айрим категориядаги ходимлар учун иш вақтини қисқартиришни (54-модда биринчи қисмининг иккинчи банда); олти кунлик иш ҳафтаси жорий қилишни, (56-модда); дам олиш кунларида ишлаганлик учун отгул бериш мумкин бўлмаган ҳолларни (76- моддаснинг иккинчи қисми); байрам кунлари бажариладиган ишларни (78-модда); ҳар йили қўшимча отпускалар бериш ва бу отпускалар муддатини (82-модда), иш ҳақини нормалашни (93, 94, 95, 96-моддалар); меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукофотли системасини (97, 98-моддалар); йиллик иш якунларига қараб мукофот тўлашни (99-модда); ягона ёки типовой иш нормаларини (102-моддаиинг иккинчи қисми); байрам кунлари ишлаганлик учун отгул беришни (109-моддаиинг иккинчи қисми); иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳолларини чеклашни (122-моддаиинг бешинчи қисми); ички меҳнат тартиби намунавий қоидаларини ва интизом уставларини (152, 153-моддалар, 154-модданинг иккинчи қисми, 158-модданинг иккинчи қисми); меҳнат муҳофазаси қоидаларини (169-моддаларнинг биринчи ва иккинчи қисмлари); меҳнат муҳофазаси тадбирларига ажратиладиган маблағлар ва уларни сарфлашни (173-модданинг биринчи қисми); махсус кийимбош, сут ва шифо-профилактика овқатлари бериш тартибини (174, 176, 177-моддалар); медицина кўриклари ўтказишни (179, 180-моддалар); аёллар ва вояга етмаганлар / меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ишларни (187, 201-моддалар); ёшларни ишга қабул қилиш бронини (208-модда); ёш ишчилар ва мутахассисларни иш билан таъминлашни (209-модда); ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун бериладиган имтиёзларни (217, 223, 224-моддалар): касаба союзларининг ҳуқукларини (265, 266, 267, 268, 269, 270-моддалар); меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши устидан давлат назорати олиб борувчи ва контроллик қилувчи давлат органларини (286-модданинг биринчи банди); айрим категориядаги ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини (37, 295, 296, 297-моддалар) аниқлаб берувчи қоидаларни белгилаш берилган.

Иш вақтидан ташқари вақтда ишлатиш ҳолларини (66-моддаиинг иккинчи қисми); дам олиш кунларида ишга жалб этиш ҳолларини (75-модда); иш ҳақи тўлаш муддатларини (117-моддаиинг иккинчи ва учинчи қисмлари, 118-модда) аниқлаб берувчи қоидаларни белгилаш Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

А. — 293. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01965.